

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САЊАТ ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

АКРАМОВ МУЗАФФАР МАХКАМОВИЧ

**Мустақил Ўзбекистоннинг
халқаро маданий алоқалари
(Ўзбекистон театрлари мисолида)**

5A210201 – “ТЕАТРШУНОСЛИК”
мутахассислиги бўйича магистр даражасини олиш учун

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ

Кафедра мудири:
Санъатшунослик фанлари
номзоди, Профессор
Х.Икромов

.....
2009 йил «___» _____

Илмий раҳбар:
Санъатшунослик фанлари
номзоди, Профессор
Х.Икромов

.....
2009 йил «___» _____

Тошкент - 2009

М У Н Д А Р И Ж А :

Кириш	2-11 бет
I боб. Ўзбек театрларининг халқаро алоқалари тарихидан	12-26 бет
II боб. Мустақиллик даврида ўзбек театрларининг халқаро алоқалари	27-44 бет
Хулоса ва таклифлар	45-48 бет
Илова	49-62 бет
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	63-64 бет

...Театр санъати ҳусусида сўз борар экан, буюк маърифатпарвар Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг “Театр – бу ибратхонадир”, деб айтган фикрини эслаш ўринлидир. Бизнинг миллий театр санъатимиз тарихан жуда катта йўлни босиб ўтган бўлиб, унинг қадимий излари халқ ўйин ва томошаларига бориб боғланади. Лекин XX асрга келиб ўзбек театр санъати янгитдан – юртимиз ва жаҳон миқёсида шаклланган, даврлар синовидан ўтиб келаётган анъана ва тажрибалар асосида вужудга келган ва камол топганини эътироф этиш зарур. Хусусан, пойтахтимиз ва вилоят театрларида намойиш этилаётган дунё сахна санъатининг мумтоз намуналари ўз вақтида нафақат юртимиз, балки чет эл томошабинларини ҳам ҳайратда қолдиргани бу фикрни исботлайди.

И.А. Каримов¹

Мавзунинг моҳияти ва долзарблиги. Республикамиз ўз мустақиллигини қўлга киритгач кўплаб соҳалар қатори театр санъатида ҳам ўз анъаналарини сақлаб қолиш, йиғилган бой тажрибани ёш санъаткорларга тўлақонли етказиш, мавжуд асарлардан тўғри ва оқилона фойдаланиш, молия-хўжалик фаолияти ҳамда халқаро алоқаларини тубдан қайта кўриб чиқиб, янгича йўналишда шакллантиришдан иборат янгича иш ҳаракатлари бошланди. Бу, албатта, ёш давлатнинг янада ривожланган театрга эга бўлиши учун олиб борган кенг кўламли тадбирларнинг дебочаси эди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов 2001 йил 30 август куни Ўзбек Миллий академик драма театрининг янги биносининг очилиш маросимида сўзлаган нутқида жумладан шундай деган эдилар: **“Мен миллий театримиз сахнасида сизлар яратадиган ранг-баранг асарларни миллионлаб санъат ихлосмандлари, бутун халқимиз ҳайрат ва ҳаяжон, завқу шавқ билан томоша қилишини, улар ҳаёт йўлларида дуч келадиган, ҳар бир инсонни ўйлантирадиган мураккаб саволларга театр ибрати орқали жавоб топишини истайман”.**

¹ И.Каримов. “Юксак маънавият – енгилмас куч”. “Маънавият” нашриёти. Тошкент ш. 2008 йил;

Туркистонга XIX аср охирларида жадиdчилик ҳаракати билан биргаликда “театр” атамаси ҳам кириб келди. Эндиликда ўша давр учун маърифатпарварлик каби юксак ғояларни илгари сурувчи, инсонни комиллик сари етакловчи спектакллар пайдо бўлиши керак эди. Бу борада ўша даврдаги халқ театр труппалари муносиб ҳаракат қилишди².

“Падаркуш”, “Захарли ҳаёт ёхуд ишқ қурбонлари” ва ҳоқоза асарлар ўша давр учун долзарб муаммоларни кўтариб чиқди. Шу ва шу каби ўнлаб асарлар билан мардикорликка олиш, октябрь тўнтарилиши, қулоқчилик, катағонлик, жаҳон уруши, яна катағонлик, турғунлик, пахта иши каби даврларни кечиб ўтдик. Шу даврларда ўзбек театрлари жим турмади. У мавжуд давр ва тузум адолатсизликларини гоҳида яширинча, гоҳида очиқ-ойдин фош этишга интилди.

Давр мураккаб бўлишига қарамай ўзбек театрида шундай шоҳона асарлар яратилдики, улар чет мамлакатларда ҳам шуҳрат топти. Актёрларимиз барчанинг назарига тушди. Шу орқали миллий театрларимизнинг халқаро нуфузи ортди ва алоқалари ҳам аста-секинлик билан йўлга қўйилди.

Маълумки, бу давр илгаргидек адабиёт ва санъат соҳасида шўровий мафкуранинг ҳукмронлиги давом этаётган, театр санъати ривожининг мураккаб даврини бошидан кечираётган вақт эди. Шунга қарамай театрларимиз ўз тараққиётини давом эттириб, маърифатпарварлик тамойилларига содиқ қолиб, ўзига хос миллий бадиий-эстетик йўналишда жиддий ютуқларга эришишди. Бунда албатта, ўзининг теран томирларига ва шонли ўтмишига эга бўлган театр анъаналари, ўзининг ижтимоий ва ҳаётий тажрибаларига,

² М.Р. Раҳмонов, М.Т. Тўлаҳўжаева, И.А. Мухтоов. “Ўзбек Миллий Академик драма театри тарихи”. Истикболни белгилаш, услубият ва ахборот Республика маркази. Тошкент. 2003 й. 3-6-бетлар.

касбий маҳоратларига, юксак истеъдодларига таянган сахна усталарининг ҳиссалари беқиёс.

Ўзбек миллий театр санъати бугун ўз тараққиётининг янги босқичига кўтарилаётган даврни бошидан кечирмоқда. Бу тараққиёт босқичи 1991 йилдан – Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришилган кундан бошлаб юз бера бошлади. Мамлакатимиз истиқлолининг дастлабки кунлариданоқ Президентимиз Ислоҳ Каримов иқтисодий муаммолар билан бир қаторда маданият ва маънавият масалаларига ҳам катта эътибор қаратди. Миллий театр санъати равнақига ғамхўрлик давлат сиёсати даражасигача кўтарилди. Шу туфайли бугунги кунда фикр-мулоҳазалар хилма-хиллиги шароитида рўй бераётган демократик ўзгаришларнинг моҳияти, турлича фикрларнинг эркин ифода этилиши, эркин ижод, шахс эркинлиги ва осойишталигини таъминлаш каби долзарб масалалар миллий мафқуранинг асосий мазмунини ташкил этмоқда.

Ўзбекистон маданий ҳаётининг ҳар томонлама ривожланиб боришида миллий театр санъати ҳам ёрқин из қолдирмоқда. Ўзбек халқининг бадиий мероси бутун ранг-баранглиги ва хилма-хиллиги билан театр сахнасида биринчи марта тўла-тўқис намоён бўлди. Бу эса миллий маданиятимизнинг ўзига хослигини асраб-авайлаш билан бир қаторда тор доирада чекланиб қолмасдан умумбашарий кадриятларни, инсониятнинг энг яхши ютуқларини пешма-пеш ўзига сингдираётгани билан ҳам эътиборга сазовор.

Мумтоз адабиёт, мусиқа, тасвирий санъат, меъморчилик, фольклор, этнография, қадимий халқ театри анъаналари драматурглар, сахна усталари, актёр ва режиссёрлар ҳамда бастакорлар эътиборини янада кучлироқ жалб қилди. Бу изланишлар ўзбек театрининг эстетикаси ва поэтикасини бойитиб, жиддий

янгилади. Шу билан бирга янги шакллар ва образли ечимлар топиш йўлидаги интилишларни ҳам рағбатлантириб бормоқда.

Давлатимиз театр санъатини ривожлантиришга доимий раҳнамолик қилиб келмоқда. Шу мақсадда махсус қарорлар қабул қилинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти 1995 йил 20 октябрда “Ўзбекистонда театр ва мусиқа санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги тарихий фармон қабул қилди.

1998 йил 26 мартдаги “Ўзбекистон театр санъатини ривожлантириш тўғрисида”ги фармон эса юртимиз маданий ҳаёти ва театр санъати тарихида катта воқеа бўлди. Бу фармон театр санъатининг барча йўналишларини қамраб олганлиги билан диққатга сазовордир.

Фармонда қадимий театр анъаналарини ўрганиш, замонавий театр санъатини ҳар томонлама ривожлантириш, моддий-техник негизини янада мустаҳкамлаш, мамлакатимизда амалга оширилаётган маънавий-маърифий ислохотларда театр ижодкорларининг фаол иштирокини таъминлаш, миллий ва умумбашарий қадриятларни ўзида акс эттирган бадиий баркамол сахна асарлари яратиш, уларни чет элларда тарғиб этиш, махсус таълим тизимини замон талабларига мос ҳолда такомиллаштириш, юқори малакали кадрларга бўлган эҳтиёжни тўла қондириш вазифалари атрофлича кўрсатиб берилди.

Мана шу нуқтаи назардан мулоҳаза юритсак, театр санъатини ривожлантириш давлат аҳамиятига молик иш эканлигига, ҳукуматимиз томонидан кўрсатилаётган ғамхўрлик эса жамият онгида театр санъатининг обрў-эътибори ва нуфузининг юксалтираётганига гувоҳ бўламиз.

Ўтиш даврининг ўзига яраша иқтисодий қийинчиликларига қарамай, кейинги йилларда биронта театр ўз фаолиятини тўхтатмагани ҳам Ўзбекистонда барқарор маданий сиёсат олиб

борилаётганидан далолат беради (холбуки, собиқ иттифоқнинг бошқа мамлакатларида бутунлай бошқача манзара ҳуқумрон). Давлатнинг кўллаб-қувватлаётгани боис мамлакатда 37та давлат театрлари ва театр студиялари фаолият кўрсатиб, драма, мусикали драма, опера ва балет, кўғирчоқ театрлари сингари хилма-хил театр турлари тобора ривожланиб, нодавлат ва хусусий театрлар пайдо бўлмоқда. Халқимизнинг маънавий дунёсини, ёшларнинг тафаккурини бойитадиган сара сахна асарлари яратилмоқда.

Мустақиллик йиллари Ўзбекистонда кўплаб театр фестиваллари ўтказилди. Масалан, 1992 йили бўлиб ўтган “Наврўз” йирик регионал фестивалида Марказий Осиё мамлакатларининг энг яхши спектакллари намойиш қилинди. 1993 йилда “Театр: Шарқ-Ғарб” Халқаро фестивалида Япония, Ҳиндистон, Буюк Британия, Ганконг, Туркия, Россия, Югославия сингари давлат театрлари ўз спектакллари билан қатнашдилар. Ҳар йили мавзуси ва жанри турлича театр санъати кўриклари, конкурслар, фестиваллар ўтказилмоқда. “Наврўз арафасида” деб номланувчи ўзига хос театр санъати байрами эса алоҳида ўринга эга. Унда мамлакатларимизнинг барча театр жамоалари иштирок этиб, энг яхши деб топилган асарлари тақдирланди. Кўғирчоқ театри фестиваллари ҳам мунтазам ўтказилиб, мазкур фестивалларга бошқа мамлакат театр жамоалари ва мутахассислари таклиф қилинмоқда.

Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган тарихий спектакллар фестивали йирик маданий воқеа сифатида ажралиб турди. Шу фестиваль доирасида Қирғизистон ва Қозоғистон театрлари иштирокида тарихий мавзудаги ўн беш спектакль намойиш этилди. Энг яхши актёрлик ишлари кўриктанлови, Тошкент теарларининг “Баҳор чорраҳасида” фестивали, “Ҳумо” халқаро театр фестивали, Андижонда Чўлпон хотирасига

бағишлаб ўтказилган “Андижон баҳори” фестивали иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Фестиваль ва кўрик-танловларнинг мунтазам ўтказилиши театр санъати равнақи учун муҳим аҳамият касб этиб, ижодий жараёни рағбатлантириб, театр ҳаётига жўшқинлик бахш этади, энг яхши сахналаштирилган спектаклларни аниқлашда ёрдам беради. Бу тадбирлар театр арбобларининг ижодий изланишларини қўллаб-қувватлаш, моддий ва маънавий рағбатлантиришда ҳам яхши натижалар бермоқда. Фестиваллар ва театр кўриклари оммавий ахборот воситалари ва кенг жамоатчилик диққат-эътиборини ўзига жалб қилиши эса ўзбек театр санъатининг ҳозирги замон бадиий силсиласидаги муносиб нуфузини қўллаб-қувватловчи муҳим омилга айланди. Маценатлар, ҳомийлар, тижорат тузилмаларининг театрларни молиявий қўллаб-қувватлаши ҳам таҳсинга сазовордир.

Бугунги кунда ўзбек театрларининг жаҳон театрлари билан алоқалари ҳам ривожланмоқда. Кейинги йилларда ўзбек театр намояндалари Германия, Франция, Словакия, Ҳиндистон, АҚШ, Бельгия, Миср каби давлатларда бўлган нуфузли фестивалларда қатнашдилар. Ўзбек режиссёр ва актёрларини бошқа мамлакатларга таклиф қилиш ҳам одат тусини олди.

Қозоғистон, Тожикистон, АҚШдан келган режиссёрлар театрларимиз сахналарида спектакллар сахналаштирамоқдалар, италиялик ва америкалик санъат усталари операларда дирижёрлик қилмоқдалар. Ўзбекистонлик режиссёрлар эса Франция, АҚШ, Исроил, Россия театр сахналарида спектакллар қўйишди.

Мамлакатимизда бугун театр санъатини ривожлантириш учун етарли шароитлар мавжуд дейишга асосимиз бор. Бир томондан, театрлар ва театр арбобларининг ташаббускорлиги, иккинчи томондан, театрларнинг қўллаб-қувватланиши натижасида муаммоларни муваффақиятли ҳал қилиш имкониятини юзага

келтиради (аммо, соҳага доир ҳануз ҳал этилмаётган муаммолар бор, улар тўғрисида хулоса қисмида батафсил фикр юритилади)

Театр санъати равнақи театр бинолари қурилишини ҳам ўз ичига олади. Истиклолнинг дастлабки йилларида Тошкентда ҳашаматли “Туркистон” концерт саройи бунёд этилди. Ўзбекистон Академик рус драма театрига янги бино қуриб берилди. Тошкент мусикали комедия (Оперетта) театри, Алишер Навоий номидаги академик катта театри, Огаҳий номидаги Хоразм вилоят мусикали драма театри, Маннон Уйғур номидаги Сурхондарё вилоят мусикали драма театрлари қошоналари замонавий усулда таъмирланди. Ўзбекистон Давлат консерваториясининг ва Ўзбекистон Давлат санъат институтининг янги биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Шунингдек, Андижондаги Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги вилоят театри қайта қуриб битказилди.

Тошкент шаҳрида ҳашаматли Ўзбекистон анжуманлар саройини қуриш ишлари давом этмоқда, уни жорий йил 1 сентябрь куни Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги муносабати билан ташкиллаштириладиган тантанали байрам кечасида фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

Ватанимиз мустақиллигининг 11 йиллиги арафасида Президентимиз Ислон Абдуғаниевич Каримов собиқ Ҳамза номли Ўзбек давлат академик драма театри биносини бутунлай қайта қуриш ташаббусини илгари сурди ва кўп ўтмай маҳобатли театр қошонаси бунёд этилди. Бино миллий руҳ ва замонавий қиёфада деярли янгидан қурилди. Бинонинг ташқи кўриниши жуда салобатли, олд қисмидаги ўнта забардаст устун бинога виқор ва чирой бахш этиб турибди. Театрнинг саҳнаси аввалгидан анча кенг ва унга замонавий техник жиҳозлар ўрнатилиб, ҳар қандай мураккаб спектаклларда, декорацияларни тез алмаштириш учун жуда қулай мосламалар мавжуд.

2001 йилнинг 30 август куни ана шу санъат кошонасининг очилиши маросимида нутқ сўзлаган Президентимиз мазкур театрнинг ўтмишига жуда юксак баҳо берди: “Академик театримиз ўзбек театр санъатининг энг яхши анъаналарини ўзида мужассамлаштириб, уни юксак поғоналарга кўтарган, буюк санъаткорларни етказиб берган муқаддс даргоҳ эканини” таъкидлаб, театрга “Миллий театр” мақоми берилганини, бундан буён у “Ўзбек Миллий Академик драма театри ” деб аталишини эълон қилди.

Бу эса отахон театр ижодий жамоасининг беқиёс хизматларининг эътироф этилиши, давлатимизнинг театр санъатига кўрсатаётган ғамхўрлигининг ёрқин намоёниши бўлиб, санъат намояндаларининг кўтаринки илҳом ва масъулият билан ижод қилишларига, миллий истиқлол ғоялари руҳида баркамол асарлар яратишга, замонамиз қаҳрамонларининг ёрқин образларини юксак даражада талқин этишларига ишонч билдирилди. Бу келажакда нафақат Ўзбек Миллий Академик драма театри, балки бутун Ўзбекистон театрлари жамоаси зимасида жуда мураккаб ва ниҳоятда масъулиятли ижодий вазифалар турганлигидан далолат беради.

Магистрлик диссертациясининг объекти ва субъекти ўзбек театрлари ва уларнинг собиқ иттифоқ ҳамда мустақиллик давридаги халқаро маданий алоқалари ҳисобланади. Театрларимиз томонидан шу даврда амалга оширилган халқаро маданий фаолият таҳлил этилади.

Магистрлик диссертациясининг мақсад ва вазифалари. Шу кунга қадар, ўзбек театрлари томонидан амалга оширилган халқаро маданий алоқалар борасида муайян тадқиқий иш олиб борилмаган. Бу мавзу деярли ўрганилмаган. Лекин мавзунини чуқурроқ ўрганишга амалий ёрдам кўрсата оладиган манбалар етарлидир. Жумладан, муҳтарам Президентимиз Ислам Каримовнинг 2008 йилда нашрдан чиққан “Юксак маънавият – енгилмас куч” номли асари,

санъатшунослик фанлари доктори, профессор Топшпўлат Турсуновнинг “Саҳна ва замон” номли китоби, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, санъатшунослик фанлари доктори, профессор М.Раҳмонов, санъатшунослик фанлари доктори, профессор М.Тўлахўжаева ва санъатшунослик фанлари доктори, профессор И.Мухторов томонидан чоп эттирилган “Ўзбек миллий академик драма театри тарихи” номли китоб, “Истиқлол ва миллий театр” номли тўплам каби бир қатор асосий адабиётларни ҳамда соҳага оид ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни, интернет тармоғидаги театр санъатига оид веб-сайтлардаги баъзи таҳлилий мақолаларни мисол келтириш мумкин.

Изланишларим натижасида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, “Ўзбектеатр” ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўзбек Миллий Академик драма театри, Ўзбекистон Ёшлар театри, Муқимий номидаги ўзбек давлат мусикали театри каби қатор театрларнинг кўплаб архив маълумотларини, бугунги кундаги расмий ёзишмалари ҳамда соҳани ривожлантириш, жумладан, халқаро алоқаларни ривожлантириш йўлида олиб борилаётган амалий ишларини ўрганиб чиқдим. Бунда мен учун Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг таҳлилий маълумотлари, “Ўзбектеатр” ижодий ишлаб чиқариш бирлашмасининг ҳисоботлари айниқса асқотди. Маълум бўлишича, театрларимиз аниқ бир жадвал асосида, молиялаштириш манбаи тайин бўлмаган шароитларда ишлаган вақтлари бўлган, афсуски ҳозир ҳам бу каби муаммо мавжуд. Театрларимизда ижодий муаммодан кўра, айнан ташкилий масалалар оқсамокда. Моддий-техник база ҳам етарли даражада эмас. Яхши спектакль яратиш учун ижодий шароитлар бор, аммо, моддий-техник база масаласида етарли камчиликларга эга. “Қарс икки кўлдан чиқади”, - дейди доно халқимиз...

Ушбу диссертация орқали ўзбек театрининг халқаро маданий алоқаларида эришилган ютуқлар, мавжуд камчиликлар ва уларни бартараф этиш йўллари хусусидаги мулоҳазаларимни, концерт таклифларимни, соҳани янада ривожлантириш борасидаги фикрларимни билдириб ўтаман.

Мазкур магистрлик диссертациясининг мавзусини келгусида номзодлик диссертацияси ва докторлик диссертацияси сифатида давом эттириш мумкин.

Шу билан бирга, ушбу ишдан келгусида бакалавр ва магистр талабалари ўзларининг илмий ишларида ва дарс жараёнларида фойдаланишлари имконияти мавжуд.

I боб. Ўзбек театрларининг халқаро алоқалари тарихидан

Ўзбек миллий театр санъатининг тарихига назар солишдан аввал театр атамасига, сўнгра театр санъатининг ўзбек заминидаги тарихига эътибор қаратиш лозим.

Театр бу латинча *theatrum* ва юнонча *theatron* – томошахона деган маънони билдириб, ўзининг бир қанча тавсифларига эгадир:

1. Актёрларнинг сахнадаги ҳаракатлари орқали ҳаётни, ҳаётий ходисларни бадиий равишда акс эттирувчи санъат тури, шу санъатга асосланган томошалар;
2. Шундай санъат воситасида томошалар қўйиш билан бирга шуғулланувчи муассаса;
3. Шундай санъат намойиш қилинадиган, томошалар кўрсатиладиган жой, бино;
4. Актёрларнинг сахнадаги ҳаракати орқали кўрсатиладиган томоша; спектакль³.

Театр санъатимизнинг яратилиши ва ривожланиши узок асрларга келиб тақалади. Академик Мамажон Раҳмонов ўзининг илмий изланишларида Ўрта Осиёда айнан, юртимизда театр элементлари эрамиздан олдин III-I асрларда дунёга келганлигини исботлаб берган. Топилган археологик ашёлар, хусусан, сопол парчалари, аёлларнинг турли безакларига чизиб қолдирилган суратларда ҳатто, Еврипид трагедияларининг қаҳрамонлари ва воқеалари ҳам тасвирланганлиги исботланган. Лекин бу драматургнинг трагик асарлари қаерда ўйналган ва қаерда

³ “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” 4-жилд. “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси”. Тошкент, 2008 й. 44-бет.

сахналаштирилган? Республикамизда Юнон амфитеатрига ўхшаган бинолар мавжуд эдими?

Сурхондарё воҳасида, Термиз шаҳри ёнида (аввалги Ой-хоним шаҳри) эрамиздан аввалги III-I асрларда бунёд этилган амфитеатр қолдиқлари топилгач, бу саволлар ойдинлашди. Шу билан бирга, Қизиқчи – масхарабоз актёрларининг ниқоблари ва уларнинг кичкина-кичкина хайкалчалари (статуэтка)нинг Самарқанднинг Афросиёб туманида топилганлиги мамлакатимиз ҳудудида анъанавий халқ томоша санъатига асосланган майдон томошалари ҳам мавжуд бўлганлигини кўрсатади.

Бу санъат тури тобора ривожлана бориб, асрлар давомида аста секин ўзбек халқининг урф-одатлари, расм-русумлари билан боғланиб кетди.

Театр санъатининг масхарабозлик ва қизиқчилик ҳамда кўғирчоқ ўйинларидан иборат турлари Европа услубидаги театр ривожланишига ҳам катта туртки берган. XIX асрнинг охири - XX асрнинг бошларида Туркистон ҳудудига Европа шаклидаги театр кириб кела бошлаган. Маърифатчилар Зокиржон Фурқат, Аҳмад Дониш, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Авлоний, Маннон Уйғур, Абдурауф Фитрат, Чўлпон ва Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийлар янги шаклдаги театрнинг асосчиларидан бўлдилар. Ўз навбатида ўзбек театри Рус, Татар ва Озарбайжон театри асосида вужудга келганини ва шаклланиганини таъкидлаш лозим. Ўша даврда ёзилган пьесалар, сахналаштирилган спектакллар мазкур уч давлатнинг драматургиясига тақлид натижасида юзага келган.

1911 йили Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг (1875-1919) "Падаркуш" номли драмаси дунёга келди. 1914 йилнинг 15 январида Самарқанд шаҳрининг «Халқ уйи»да сахна юзини кўрди, сўнгра 27 февралда Тошкентда Абдулла Авлонийнинг "Турон" труппасида

сахналаштирилади. Ҳозирги Ўзбек Миллий академик драма театри айнан шу куни дунёга келган.

Ушбу театр фаолиятини ривожлантиришда ва мустаҳкамлашда Маннон Уйғур билан бир қаторда таниқли актёрлар Аброр Ҳидоятлов, Маъсума Қориева, Сора Эшонтўраева, Етим Бобожонов, Замира Ҳидоятлова, Мария Кузнецова, Саъдихон Табибуллаев, Шариф Қаюмов, Олим Хўжаев, Шукур Бурҳонов, Наби Раҳимов ва бошқа забардаст санъаткорларнинг хизматлари катта. Улар замонавий ўзбек театр санъатининг пойдеворини яратдилар.

Ўзбек театрлари ўзининг оригинал репертуарини шакллантириш билан бир вақтда Оврўпо драматургларининг асарларига ҳам мурожаат этади...

Ўзбек театрларида халқаро алоқаларни ривожланиши ҳам айнан шу даврларга тўғри келади. Бир гуруҳ ёш истеъдодлар етук актёр бўлиш умидида Московга ўқишга кетишади. Вахтангов билан ишлаш ва унинг актёрлик услубини ўрганиш ўзбек талабалари учун кутилмаган ҳол бўлганлиги эҳтимолдан ҳоли эмас.

Театр санъати оламида, К.С. Станиславскийдан кейин ўзига хос бурилиш яшашга, ўз “актёр ижрочилиги мактаби”ни яратишга муваффақ бўлган шахслардан бири Евгений Багратионович Вахтанговдир.

Ўзбек Миллий театри ижодий жамоасини профессионал жиҳатдан шаклланиши Вахтанговнинг номи билан боғлиқ. Вахтангов томонидан сахналаштирилган “Маликаи Турондот” спектакли А.Чўлпон томонидан ўзбек тилига ўгрилиб, ўзбек миллий театримиз номоёндалари томонидан қайта сахналаштирилиши ва уни Ўзбекистонда ижро этилиши тарихий воқеа сифатида эътироф этилганлиги маълумдир.

Шулар орқали янги ўзбек театри қаддини ростлаб, ўз йўли, эстетик тамойиллари ва анъаналарини белгилаб олади. Бу жараёнда

истеъдодли ўзбек йигит ва қизларининг, бир мунча тажрибали хаваскорларининг юқорида таъкидланганидек Москва ва Бокуда ўқиши катта аҳамият касб этди. Шунингдек, Ҳамза, Фитрат, Ғулом Зафарий, Ғози Юнус, Чўлпон, Хуршид драматургияси, Маннон Уйғур режиссураси, Чўлпон, Мирмулла Шермуҳаммад, Сотти Ҳусайннинг танқидчилик фаолияти ўзбек театрига том маънода тамал тошини кўйди.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, 1925 йилда ўзбек операсининг икки буюк вакили – Муҳиддин Қори Ёқубов ва Тамарахоним Парижда ижодий сафарга бориб, театрларимиз учун том маънода халқаро алоқаларни бошлаб берди. Тўйчи Ҳофиз Муҳиддин Қори Ёқубов ва Тамарахонимга қўшилиб 1935 йилда яна Парижга гастролга боришгани ўша давр учун катта воқеликка айланган эди.

Иккинчи жаҳон уруши даврига қадар театрларимиз фаолиятида шўролар мафқурасини чуқурроқ сингдиришга эътибор қаратилган. Қишлоқ хўжалигида, якка дехқончилик ўрнида жамоа хўжаликларини тузиш, “ёт унсурлар”га қарши кураш мавзулари етакчилик қилган. Аммо, янги театрларнинг ташкил топиши, мусиқали драманинг алоҳида театр сифатида драмадан ажралиб чиқиши, опера ва балет, ёш томошабинлар ҳамда кўғирчоқ театрларининг майдонга келиши, “Майсаранинг иши” (Ҳамза асари, Комедия ва сатира театри), “Бой ила хизматчи” (Ҳамза асари, Ҳамза номидаги театр), “Фарход ва Ширин”, “Гулсара” операларининг яратилиши (мусиқали драма ва комедия театри), Шекспирнинг “Ҳамлет” ва “Отелло” трагедиялари сахнавий талқинларида қўлга киритилган ютуқлар, мафкура таъсири қанча кучли бўлмасин, ўзбек театрининг ижодий жиҳатдан камолотга эришганидан далолат беради.

Шу ерда бир муҳим воқеани ҳам келтириб ўтиш даркор. 1930 йилда Москва шаҳрида биринчи мартаба Иттифок мамлакатлариаро театр ва санъат Олимпиадаси ўтказилди. Унда 16та театр иштирок этган бўлиб, томошабинларга 30дан ортиқ спектакллар намоиш этилган. Олимпиадада Хамза номидаги ва М.Қориёқубовнинг Сверлов номидаги – икки мусиқали театримиз иштирок этишганлиги диққатга сазовордир. Мазкур олимпиада ҳақиқий маънода иттифокнинг барча республикаларида фестиваллар, декадалар, тантанали ҳафталиклар ташкил этиш учун катта туртки бўлиб хизмат қилган. Олимпиада Ҳайъати кўпгина иштирокчилар катори ўзбек театрларга ҳам бир катор тавсиялар беради. Баённомага кўра Ўзбекистон учун иккита мусиқали театрнинг керак йўқ, Хамза номидаги театр драматик театр сифатида фаолият юритиши кераклиги айтиб ўтилган эди, яқунда шундай бўлди ҳам...

1937 йилда Москвада илк бора Ўзбек адабиёти ва санъати декадаси ўтказилди, шунингдек, шундай декада Москвада 1959 йилда ҳам ташкиллаштирилганди. Ушбу тадбирга катта тайёргарлик кўрилиб, Хамза номидаги драма театри, Муқимий номидаги мусиқали театр, Опера театри томонидан 10дан ортиқ спектакллар намоиш этилган. Жумладан, Хамза номидаги драма театри томонидан “Юлий Цезарь”, “Дядя Ваня”, “Йўлчи юлдуз”, Муқимий номидаги мусиқали театр томонидан “Ватан ишқи”, “Олтин кўл”, “Нурхон”, “Равшан ва Зулхумор”, Опера театри томонидан “Дилором”, “Майсаранинг иши”, “Зайнаб ва Омон” каби спектакллар катта олқишларга сазовор бўлган...

Уруш йиллари ўзбек театрларида “Муқанна” (Ҳ.Олимжон асари), “Жалолиддин Мангуберди” (Шайхзода асари), “Алишер Навоий” (Уйғун ва И.Султон) каби тарихий драмалар, “Тоҳир ва Зухра” (С.Абдулла, Т.Жалилов) мусиқали драмаси муҳим аҳамиятга эга бўлди, романтик қаҳрамонлик ижро услуби етакчилик қилди.

Шундан сўнг коммунистик мафкуранинг зуғуми янада кучайди, театрлар репертуарларида тарихий-инқилобий мавзу, собик иттифоқ доирасидаги халқлар дўстлиги ва байналминаллик ғоялари улуғловчи ҳамда рус ва бошқа тиллардан таржима қилинган асарлар етакчилик қилди. Театр санъати тобора сиёсий тус ола борди. Айни чоқда театр жамоалари трагедия ва комедия жанрларида, Шарқ мавзусини акс эттиришда, баъзи мусикали драмаларни сахналаштиришда (масалан, Муқимий номидаги театрнинг “Нурхон”, “Алпомиш”, “Равшан ва Зулхумор” спектакллари) катта ютуқларни кўлга киритди. Бунда драматурглар К.Яшин, С.Абдулла, Уйғун, М.Шайхзода, Абдулла Қаҳҳор, Иззат Султон, режиссёрларимиздан Маннон Уйғур, Етим Бобожонов, Тошхўжа Хўжаев, Музаффар Муҳамедов, Тўхтасин Жалилов, Маҳмуджон Ғофуров, Раззоқ Ҳамроев, Сора Эшонтўраева, Лутфихоним Саримсоқова, Аббос Бакиров ва бошқа ўнлаб сахна усталарининг хизмати каттадир. Айнан ана шу усталар ўз ижодлари билан мафкура ва сиёсат занжирини узиб, ўзбек театрини услуб ва шакллар бир хиллиги хавфидан сақлаб, миллий анъаналарни ўзлаштириш, миллий ўзига хосликни кучайтириш йўлидан бордилар.

Театр санъатимиз тарихи ва халқаро алоқалари ҳақида сўз борганда, 1946 йили Ангия парламентининг аъзолари Аброр Ҳидоятлов ижросида “Отелло” спектаклини келиб кўришганини айтиб ўтиш лозим.

70-йилларнинг бошларидан эътиборан театрларга бир гуруҳ ёш режиссёрлар кириб келиб, янги мавзулар излаш, сахналарда ҳаёт ҳақиқатини ёритишда миллий воситалардан фойдаланиш учун дадил ҳаракат бошлайдилар. Ҳамза номидаги Академик драма театрининг бош режиссёри Баҳодир Йўлдошев бу ҳаракатда етакчилик қилади. Вилоятларда Мансур Равшанов (Термиз), Карим Йўлдошев (Наманган), Носир Отабоев (Фарғона), Ибодулла Ниёзметов (Урганч)

ижодий фаоллик кўрсатадилар. Мусикали драма соҳасида изланишлар кўзга ташланади. Театрларда санъатнинг сиёсий тус олиши билан ижод эркинлиги ўртасидаги зиддият кучайиб кетади.

Бу даврда (1971 йил) Андижон вилоят театри Польша, Болгария, Украина каби давлатларда бўлиб, “Бой ила хизматчи” спектаклини намойиш этишган.

Ошкоралик ва жамиятни демократлаштириш бўйича ташланган дастлабки қадамлар драматурглар ва театр жамоалари ҳаётида ҳам ўз аксини топди. Давлат театрлари аста-секин ўз ижодлари ва томошабинга хизмат қилишда мустақиллик йўлига ўта бошлайди. Бир пайтлар қатағон қилинган ёзувчилар ижодининг батамом оқланиши туфайли Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирийларнинг баъзи асарлари сахналарда тикланади. Фитратнинг “Абулфайзхон” драмаси Қарши ва Бухоро театрларида сахналаштирилади. Узоқ йиллар таъқиқлаб келинган мавзуларга йўл очилиб, Амир Темур, Захириддин Муҳаммад Бобур, Муҳаммад Раҳимхон (Феруз) ҳақида сахна асарлари яратилади. Замонавий мавзуларда ишлашда, аввал ҳаётдаги кўзга ташланиб турган камчиликлар фош қилинади, кейин ҳаётини воқелик чуқурроқ тадқиқ этила бошланади. Юсуфжон қизиқ Шакаржонов номи берилган Фарғона вилоят театрида яратилган “Темир хотин” (Шароф Бошбеков асари, режиссёр Олимжон Салимов) спектакли ана шундай ҳаётни бадиий тадқиқ этиш маҳсулидир. У ўз вақтида (1989 йил) собиқ иттифоқ телевидениесининг Биринчи канали орқали кўрсатилди.

Ўзбекистон ва Марказий Осиё минтақаси бўйича 1987 йилдан бери ўтказила бошланган республика ва халқаро миқёсидаги фестиваллар сахна ижодкорларини руҳлантирди, айниқса, миллий услуб ва тасвирий воситалар доирасида олиб борилган ижодий изланишларини кучайтирди.

Очиғини айтиш керак, 1985 йилларга қадар ўзбек театрлари жиддий халқаро алоқаларни олиб бормади. Бунга совет иттифоқининг ўзига хос тарзда юритган сиёсатини ҳам сабаб қилиб кўрсатиш мумкин. Ўтган асрнинг 80-йиллари ўрталарига келиб театрларимиз томонидан халқаро алоқалар йўлга қўйила ва ривожлана бошланди.

Халқимизнинг ардоқли адиби, Ўзбекистон қаҳрамони Саид Аҳмаднинг юзлаб дилбар ҳикоя ва қиссалари, ичакузди ҳажвиялари, “Уфқ” трилогияси, “Жимжитлик” романи миллатимизнинг маънавий мулкига айланган. У ҳеч қачон драматургликни даъво қилмаган. Холбуки, “Келинлар қўзғолони” комедияси ўзбек драматургиясининг энг ноёб асарлардан бири сифатида сахна санъатининг олтин фондидан жой олгани сир эмас. “Келинлар қўзғолони” Ҳамза номидаги (ҳозирги Ўзбек миллий академик драма) театрда намоёниш қилиниши биланоқ минглаб мухлислар меҳрини қозонди. Мамлакатимизнинг барча вилоятларидаги театрларда юз марталаб кўрсатилди. Шунингдек, Россия, Чеченистон, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Туркманистон театрлари сахналарида, Хитой халқ Республикасининг Урумчи вилоятида, АҚШнинг Нью-Йорк шаҳридаги “Тикланиш” театрида, Лаос, Мўғулистон мамлакатларида сахналаштирилди ва юз минглаб томошабинлар олқишига сазовор бўлди.

Ўзбекистон қаҳрамони Саид Аҳмад 2006 йил чиқарилган “Театр” журналининг 1-сони учун “Келинлар қўзғолони”нинг сахнага қўйилиш жараёни, босиб ўтилган қийин ва мураккаб йўллар ҳамда ниҳоят қўлга киритилган ютуқлар хусусидаги хотираларини қуйидача сўзлаб берган эди⁴:

...“Тушунмаган”лар бири олиб - бири қўйиб, гапга тушиб кетишди. Театр директори Олим Хўжаев ўрнидан турди:

⁴ ““Келинлар қўзғолони” га қарши қўзғолон”. “Театр” журнали. 2006/1. 32-35-бетлар.

– Биродарлар, бу қанақаси? Салкам бир ойдан бери тортишасизлар?! Нима деяётганларингизни ўзларинг ҳам билмайсизлар! Бўладиган бўлса, “бўлади” денглар, бўлмаса асарни йиғиштириб қўйлик. Театрнинг ўз молия плани бор. “Антигона” асарини сахналаштириш учун Гуржистонда машхур Алексидзе деган режиссёрни чакирганмиз. Унинг театрда ўтган ҳар бир кунига фалон пулдан ҳақ тўлаймиз. Бунақада артистлар ойликсиз қолади-ку! Бир қарорга келинлар-да, ахир! – деди нолиб.

Хуллас, афанди айтганидек, тушунганлар тушунмаганларга тушунтирадиган бўлди. “Эртага охириги кўрик, охириги муҳокама бўлади”, деб эълон қилишди.

Эртасига яна театрга бордим. Ўтирганларга халақит бермаслик учун энгашиб қоронғи залда тимирскиланиб жой топиб ўтирдим. Парда очилди. Фармонбиби кўлига Сотти сув қуяётганда нимадандир шубҳаланиб обдастани туртиб юборди. Саҳна олдига келиб, кафтини кўзига соябон қилиб залдан кимнидир қидираётганга ўхшади. Саҳна четида турган электр устасига: “Залнинг чироғини ёқ!”, деб буюрди. Зал ёришди. Ҳайҳотдек залда “масъул ходим” билан унинг шериги – “масъул театршунос”дан бўлак ҳеч ким йўқ эди. Фармонбиби рўмоли билан юзидаги гримларни арта бошлади.



– Шу икки турқи совуққа комедия кўрсатаманми?! Томошабин йўқ залда комедия ўйнаб бўладими?! Қани, болалар, томоша тамом! Уйларингга кетаверинглар! – дедию ўзи ҳам саҳнадан чиқиб кетди...

Олим Хўжаев Марказқўмга чиқиб, катталарга аҳволни тушунтирганга ўхшайди. “Келинлар кўзғалони” томошабинга кўрсатилсин, деган рухсат келди.

Директор кабинетини яна комиссия босди. Одатда, уч кун премьерa бўлар, олдинги уч қатор жой меҳмонларга атаб қўйиларди. Бугун комиссия аъзолари амма-холасию, қайнонасию келинойиларига текин билет олиш учун келишган эди.

Биринчи спектаклда унчалик одам кўп бўлмади. Афиша кечкурун, ғира-шира қорнғи пайтда чиқарилган, кўп томошабин бундан хабарсиз қолган эди. Залда асосан комиссия аъзоларининг қариндошлари, вазирлик ходимлари, бошқа театрларнинг артистлари, режиссёрлари, редакция ходимлари ўтиришарди.

Мен биринчи қаторнинг чап томонида Сора Эшонтўраева билан ёнма-ён ўтириб қолибман. У бутун вужуди билан сахнага сингиб кетган, ҳадеб: “Вой, Зайнаб ўлмагур, яшнаб кетдику! Бирпасда сахнани ўзиники қилиб олди-я! Бу сахна эмас, Зайнабнинг ҳовлиси! Вой, Зайнаб ўлмагур-ей!.. Шунча йил бирга ишлаб Тўйчивойнинг шунақа билмаган эканман. Бопляпти! Ёзилиб, яйраб, мириқиб ўйнапти!” деб гапириб ўтирарди.

Сора опа ижрочиларни олқишлаб ҳаммадан кўп чапак чалар, кулар, баъзан қийқириб юборарди.



“Келинлар қўзғолони” спектаклидан лавҳа

Комиссия аъзолари қотиб-қотиб кулишар, менга кўзлари тушганда дарров қовоқларини уйиб хўмрайиб олишар, мендан яшириб яна кулишарди.

Кечаги томошанинг овозаси эрталабгача Тошкентга тарқаб бўпти. То тушгача уч кунлик билет сотиб бўлинди. Театр яқинига бориб бўлмайди...

Залда чироқ ўчирилиб, пардага нур туширилди. Ҳали ҳам жой талашаётганларнинг асабий товушлари тинмасди. Сахна олдида Халқ

артисти Зикир Муҳаммаджонов чиқиб, икки кўлини баробар кўтарди. Бунақа тўполонда томоша кўрсатмаймиз, демасмикан деб, ҳамма бирдан жимиб қолди. У залда тинчлик сақланишини илтимос қилиб, ролларни ижро этувчи артистларнинг номларини айта бошлади. У Фармонбиби ролида Ўзбекистон халқ артисти Зайнаб Садриева деганда зал момоқалдиروقдай бир гумбирлаб олди. Ғани Аъзамов номини айтганда қийқирик, қарсакбозлик бўлиб кетди.

Парда очилди. Фармонбиби кўлини орқасига қилиб сахнанинг у бошидан-бу бошига ўта бошлади. Соттини ўйнаётган Тўти Юсупова (бу ролни кеча Эркили Маликбоева ўйнаган эди), спорт кийимида, кўлида хала-хўп халқаси билан кенжа келин, Фармонбибининг тили билан айтганда, “қип-яланғоч” Нигора – Дилбар Икромова сахнага чиқди.

Уларнинг ҳар бирига алоҳида-алоҳида олқишлар янграр, қарсаклар тўхтамасди.

Зайнаб Садриеванинг бир неча ойдан бери репетиция қилиб чеккан азоблари, айниқса кейинги бир ой ичида комиссия берган озорлари унутилди. У бутун вужуди билан, жон-жаҳди билан берилиб ўйнади. Ташқаридан қараганда у роль ўйнамаётганга, ўз уйида, келинлари даврасида бемалол юрганга ўхшарди. Аслини олганда, у бирон ҳаракатни меъеридан оширмаслиги, юз ифодалари сунъий бўлиб қолмаслиги, овозида асабийлик сезилмаслиги учун бутун вужудини иродасига бўйсундириб ҳаракат қиларди. Аммо томошабинга буни сездирмасди.

Бугун ҳам ёнимда ўтирган Сора Эшонтўраева тинмай қарсак чалар: “Вой, Зайнаб ўлмагур-ей!” деб қийқирарди.

Асар ҳақида кўплаб тақризлар, мақолалар босилди. Аксарият мунаққидлар спектаклдаги миллий рух, ўзбек халқининг кексаларини иззат қилиш удуми чуқур илдизга эга экани, Фармонбиби образини қойилмақом қилиб ўйнаган Зайнаб Садриева маҳорати ҳақида

завқланиб ёздилар. Албатта, ҳамма тақризчилар ҳам ижобий эмас эди. Умри бино бўлиб кулгу кўчасидан ўтмаган, ерга ётқизиб бир хафта китикласа ҳам ўшшайиб тураверадиган, адабиёт ва санъатда ҳамма маъқуллаган асар пайдо бўлиши билан ҳудди ўша асарни “савалаб”, ўзининг “доно”лигини кўрсатадиган худо урган бир танқидчи бор эди. Шу “Келинлар кўзғолони” асар эмас, умуман ҳеч нима эмас деб “ҳукм” чиқарди. Энди асар томошабин меҳрини қозонган, бунақа “ҳукмлар”нинг сариқ чақалик аҳамияти қолмаган эди...

...Сентябрь оғи деярли “Келинлар кўзғолони” билан ўтди, десам хато бўлмас. Кунига икки мартадан, ҳатто уч мартадан кўрсатилган кунлар бўлди. Ўша кезлар артистлар гримларини артмасдилар, ролдаги кийимларини ҳам ечмасдилар...

Орадан бир йил ўтмай пьесани Ўрта Осиё республикаларининг ҳамма академик театрлари сахнага қўйди...

...Театрнинг Москва гастроли жуда тантанавор ўтди. “Келинлар кўзғолони”нинг юзга яқин ишқибози Москвага борган, уларга пойтахтда ўқийдиган ўзбекистонлик студентлар қўшилишиб, Малий театр олдига эрталабдан келиб олишар эди.

Иттифоқ Маданият вазири “Зал ўзбеклардан бўшамай қолди. “Келинлар кўзғолони” москваликлар учун қўшимча яна бир марта кўрсатилсин! Фақат билетлар заводларда, муассасаларда сотилсин!” деб буйруқ берди.

Бугун дунёда қайта-қайта намоёниш қилинган машҳур “Чапаев” фильмида бош ролни ижро этган таниқли артист Борис Бабочкин Малий театр олдида бир неча кундан бери тўпланаётган ўзбекларни кўриб, русларнинг “головокружение от успехов” (“ютуқлардан эсанкираш – бош айланиш”) иборасини сал-пал ўзгартириб: “Сегодня у меня головокружение от узбеков!” (“Бугун ўзбеклардан бошим айланиб кетди”), деган эди ҳазил аралаш.

Гастроль охирида Маданият вазирлиги Москва санъатшунос олимлари иштирокида муҳокама мажлисини ўтказди. “Келинлар кўзғолони” асари томошабинларга маъқул бўлганини, театр бу асар билан яна бир поғона кўтарилганини таъкидлашди...

“Правда” газетаси профессор Руднецкийнинг “Талантлар ҳамоҳанглиги” номли катта мақоласини эълон қилди. Унда “Келинлар кўзғолони” муваффақият билан сахнага қўйилгани, асар таланти ижрочилар билан ҳамоҳанг эканлиги алоҳида эътироф этилган эди...

Саид Аҳмад комедияси театрда ўзига хос сахна ечимини топди, унда халқ майдони театрининг анъаналари билан ворисий алоқдорлиги намоён бўлди, комик вазиятлар кескинлашуви, характерларнинг типиклашуви, аниқ пластик сурат енгил киноя ва лирик оҳангга йўғрилган Баҳодир Йўлдошев спектаклига хос хусусиятдир.

Спектакль тўла равишда томошавийлик касб этган. У мусиқачилар чилдирмани қаттиқ чалиб киришлари билан бошланади. Бу ҳолат томошабинни спектакль ичига олиб киради. Уй бекаси Фармонбибининг ўзи мусиқага монанд равишда хиром этиб пайдо бўлиши ҳам спектакль томошабоплигини оширган. У келини ортидан уни эрмак қилганча қўлларини доира зарбаларига мос ҳолда бир кўтариб – бир туширади. Ўйин сахнасидаги сўзана ҳам, Фамонбиби келиб ўтирган атлас кўрпача-ю, болишлари ўртасидаги хонтахта ҳам халқчил. Бутун спектакль давомида режиссёр ва рассомнинг иши яққол кўриниб туради. Хоҳ услублаштирилган либос бўлсин, хоҳ унсиз ҳаракатлар билан “иш ҳақини” йиғиб олиш сахнаси бўлсин, ҳар бир топилма бир талай деталлардан, актёрлик қулайликларидан иборат, буларнинг барчаси қаҳрамонларнинг табиий ҳаёти натижасида дунёга келади. Актёрларнинг жонли, юракка тегувчи ўйини спектакль жўшқинлигини, ўткир оҳангдорлигини таъминлаган.

Спектаклда келинлар иштирокидаги мусикий ва ўйин лавҳалари яхши чиққан. Улар эркин ва енгил ҳаракат қиладилар, кўриниш услубиёти билан узвий бирикиб кетади, юморга, жўшқинликка тўла, миллий ўзига хослик ярқ этиб кўриниб туради. Беғараз оилавий комедияда режиссёр Баходир Йўлдошев анъанавий ўзбек театри услуби ва тамойилларидан фойдаланиш имкониятларини синчковлик билан қараб чиққан. Комил томошада қаҳрамон аёл камчилиги устидан кулинган финал қисмида дарҳақиқат муқаллид (таклидчи) шаклига етиб қолади, унга асос қилиб олинган пантомима ва имитациялар ҳазил оҳанглари билан жилланган. Образларни талқин қилишда режиссёр учун характерларни очиш эмас, балки уларни типиклаштириш муҳимлиги кўриниб туради.

Ушбу спектаклда бош қаҳрамонни ижро этган Зайнаб Садриева ва бошқа ижрочиларнинг енгил, сермаъно, нафис ўйини халқ ижодиёти ва замонавий саҳна санъати тамойилларини бир-бирига уйғунлаштириб юборган.

Хулоса ўрнида, совет даврида Ўзбек театрининг халқаро алоқаларига пойдевор қўйилди, десак муболаға бўлмайди. Ўзбек театрларидан Ҳамза номидаги академик драма ва Муқимий номидаги мусиқали драма, А.Навоий номидаги опера ва балет театрлари Москва, Ленинград, Қозон, Уфа, Алма-Ата, Душанбе, Ашхабод, Боку шаҳарларида турли даврларда бир неча бор бўлдилар, гастроллари катта олқишлар билан ўтди. Ўзбек драматургиясининг энг яхши намуналарида – “Бой ила хизматчи”, “Алишер Навоий”, “Майсаранинг иши” (операси), “Мирзо Улуғбек”, “Тошболта ошиқ”, “Келинлар кўзғолони”, “Олтин девор” ва бошқалар собиқ иттифоқ республикаларида кўп маротабалаб қўйилди. “Бой ила хизматчи” драмасини эса улуғ актёр ва режиссёр Олим Хўжаев 1971 йилда Болгарияда саҳналаштирди.

Бу даврда театрларимиз асосан иттифоқ ичидагина халқаро алоқаларни амалга ошира олдилар. Чет элга чиқиш фақатгина Марказ орқали ҳал этилганли учун катта театрлар алоқалари у қадар ривожлана олмади. Фақатгина Ўзбекистондаги икки қўғирчоқ театри (Тошкент ва Андижон) жамоалари бу даврда Марказ қаршилигини енгиб ўтиб, ўн маротабага яқин Иттифоқдан четга чиқа билдилар.

Шундай бир пайтда бадиий юксак ва маънан етук саҳна асарларини дунёга келтириб, жаҳон ҳамжамиятининг диққатини ўзига жалб этиш жуда мураккаб иш, албатта. Театрларимиз бу масъулиятли вазифани удаллай олишди. Барча имкониятлар ишга солиниб спектаклларимиздан нафақат ўзимизникилар, балки, чет эллик театр санъати ихлосмандлари ҳам баҳра олишлари учун имкониятлар яратишди.

II боб. Мустақиллик даврида ўзбек театрларининг халқаро алоқалари

Тарих саҳифаларида “қайта қуриш” номи билан қайд этилган давр мобайнида жиддий ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар рўй берди. Бу даврда ижтимоий ҳиёт демократиялашуви бошланиб, фикр ва сўз эркинлигига, шунингдек, эски мафкура исканжаларидан қутилган бадий ижодга янги қараш юзага келди. Агар аввалги пайтларда жамият ҳаётининг айрим томонлари муҳокамадан холи, деб ҳисобланган, уларни бадий асарларда акс эттириш ҳатто ҳаёлга сиғмайдиган ҳол бўлса, эндиликда мана шу таъқиқлар деярли йўқ қилинди. Драматург Шароф Бошбеков ҳаққоний эътироф этганидек, “Давр бизларга катта имкониятлар бериб, ҳаётнинг янги қирраларини кашф этди. Фақат оқилона нигоҳ билан қараб, уни идрок этиш ва хулосалар ясаб, фикр-мулоҳазаларни ошқора айтиш талаб қилинарди, ҳолос”.⁵

Бироқ, воқелик анча мураккаб ва зиддиятлар билан тўла эди. Давр ва тарихни теран идрок этиш, афтидан нисбатан кўпроқ вақтни талаб қилар эди.

Театрларимиз жиддий драматик нуқсонлари бўлишига қарамай ижтимоий ҳаётнинг иллатлари ва салбий томонлари нисбатан теранроқ ўз ифодасини топган пьесаларни саҳналаштиришга киришди. Бу эса нафақат театрда, балки давлат миқёсида ҳам катта инқилобий ўзгаришларни юзага келтирилганининг бир кичик белгиси эди.

1991 йил охиридан бошлаб мамлакатимизда ижтимоий – сиёсий тараққиётнинг янги даври бошланди: Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини эълон қилди. Жамиятимиз тараққиётнинг янги босқичига илдам қадам ташлади. Ўзбекистонда

⁵ “Ёшлик” журнали. 1989 й. 5-сон, 12-бет.

хукукий-демократик ва ижтимоий барқарор давлат барпо этишдек олижаноб ғоя илгари сурилди. Янги жамиятнинг қандай бўлиши адабиёт ва санъат намоёндаларига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлди. Режиссёрларнинг театрлардаги ижодий муҳитини, унинг ҳаёт билан алоқасини, ўз йўли ва қиёфасини танлаб шакллантириб олиш йўлидаги уринишлари беҳуда кетмади. Театрларимиз сахнасида камдан-кам бўлса ҳам, лекин мамлакатимизнинг ижтимоий, маданий ва маърифий ҳаётида рўй бераётган воқеаларни акс эттирувчи спектакллар пайдо бўла бошлади. Театр одамларнинг руҳиятида рўй бераётган ўзгаришларга ҳамоҳанг қаҳрамонлар қисмати ҳақда ҳикоя қилувчи спектаклларни сахналаштирар экан, тобора мақсадга мувофиқ иш тута бошлади.

Дарҳақиқат, халқимиз ўз мустақиллигига эришгандан сўнг истиқлол кўпгина соҳалар қатори ўзбек театр санъатида ҳам янги даврни бошлаб берди. Республика театрлари жаҳонга юз тутиб, қатор хорижий фестивалларда муваффақиятли иштирокини бошлади (олдинги Ёш гвардия – ҳозирги А.Ҳидоятлов номидаги драма театри Ангия ва Шотландияда бўлиб, турли фестивалларда иштирок этди). Айтиш жоизки, ушбу фестивалларда театрларимиз ўзига хослиги ва миллийлиги, тажрибага эгаллиги-ю, курраи заминимизнинг театрларидан қолишмайдиган профессионаллиги билан яққол ажралиб турди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан то шу вақтгача йирик халқаро фестиваллар мамлакатимизда ўтказилиб келинди. Театрларимиз эса чет элларда ташкиллаштирилган нуфузли фестивалларда муносиб иштирок эта бошлашди. Дасталаб 1991 йилнинг 15 сентябрь 28 яктябрь кунлари Республика қўғирчоқ театри И.Лукьянованинг “Буюк Ипак йўлидаги карвонсарой” спектакли билан Россия Федерацияси ва Узоқ Шарқ шаҳарларида гастроль сафарига бўлиб қайтди. Болалар учун сахналаштирилган

мазкур спектакль ўзбек театри учун илк ютуқларни бошлаб келди. Шундан сўнг 1992 йил апрель ойида Ўрта Осиё ва Қозоғистон Республикалари театрлари иштирокида пойтахтимизда “Наврўз-1992” халқаро театр санъати фестивали ташкил этилди. Ўша йили сентябрь ойида Ўзбекистон Ёшлари театри Миср Араб Республикаси пойтахти Қоҳира шаҳрида 4-халқаро экспериментал театрлар фестивалида Римма Кашаеванинг ўзбек халқ эртаги “Зумрад ва Қиммат” асосидаги “Юлдуз тўла осмон” ва Мольернинг “Зўраки табиб” спектакллари билан иштирок этди. Октябрь ойида Москва шаҳрида ўтказилган “Чехов асарларини ўйнаймиз” деб номланган Халқаро фестивалда Ўзбекистон Ёшлари театри “Янги йил кечаси” спектакли билан иштирок этди.

1992 йилдаги энг катта муваффақият – бу Франция Республикасида анъанавий тарзда ўтказилиб келинадиган Авиньон фестивалида Абдор Хидоятлов номидаги Ўзбек давлат драма театри Геллернинг “Фотима” спектакли билан иштирок этиши бўлди, деб айтиш мумкин. Турфа маданиятлар туташуви номини олган Авиньон фестивалининг тарихи 1946 йилда ёзила бошланган (фестиваль 2006 йилда ўзининг 60 йиллик юбилейини кенг нишонлади). Айнан шу йилдан эътиборан Марселлик театр санъатининг катта ихлосманди ва ҳомийси Жан Вилар Авиньондаги маҳобатли Поп қалъаси олдида театр фестивалини ўтказишни бошлайди. Бу давр иккинчи жаҳон уришидан сўнг Франция маънавий ва маърифий томондан ривожланаётган бир пайтга тўғри келади. Ўша йили Франциянинг барча чеккаларидан келган театрлар кўплаб спектакллари намойиш этишди. Дастлабки фестивалда Жан Вилар, Жерар Филипп ва Мария Казарес ҳамкорликда яратган спектакллар муваффақият қозонган. Ушбу воқеаларга оид суратлар ҳануз Авиньон майдони ёнгинасидаги эски муниципал театр яқинида жойлашган Жан Вилар музейида сақланади. Йиллар ўтган сари Авиньон миллий фестивали халқаро

фестивалга айланиб кетди. Шу кунга қадар Авиньон фестивали орқали жамият ва дунёда рўй бераётган воқеаларга театр арбобларининг қарашлари ўзларининг спектакллари орқали намойиш этилиб келинмоқда. Ҳукумат томонидан ҳам мазкур фестивални ўтказишга катта эътибор қаратилишининг боиси шунда. Авиньон шундай ажойиб жойки, бу ерда замонавий театр маданияти учун – декорацияси учун табиатнинг ўзи жой ҳозирлаб қўйган, гўё. Фестивалнинг энг машҳур иштирокчиларига айланган Питер Брук ва Анатолий Васильев табиий ландшафтда, очик осмонда спектакль қўйишлари ҳам тасодиф эмас. Мен Авиньоннинг ажойиб тароватини бекорга келтирмадим. Ўз мустақиллигини қўлга киритганига эндигина бир йил бўлган ёш давлатнинг театри учун шундай улкан театр фестивалида иштирок этиш ҳақиқий муваффақиятдир.

Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, Қаршида биринчилардан бўлиб режиссёр Абдурахмон Абдуназаров томонидан ташкил этилган “Мулоқот” театр студиясининг Тошкентда қўйган “Жононга бордим шу кеча” (Ҳ.Ҳ. Ниёзий асари) спектаклини Англиялик буюк режиссёр Питер Брук кўриб қолади (1991 йилда) ва Авиньон фестивалига таклиф этади. “Мулоқот” театр студияси томонидан совет даврида деярли унутилаёзган масҳарабозлар анъаналарининг намойиш этилиши Питер Брукни ўзига ром этган эди...

Халқаро алоқаларни ривожлантиришда Ҳукуматимиз ҳам катта роль ўйнамоқда. 1993 йилнинг 23-30 октябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорига биноан Тошкент шаҳрида “Шарқ ва Ғарб” Халқаро театр санъати фестивали ўтказилган бўлиб, унда Германия, Россия, Югославия, Финландия, Италия, Швеция, Қозоғистон каби 25 мамлакат театр жамоалари иштирок этишди.

Ўша йили Ўзбекистон кўғирчоқ театрларининг 4-анъанавий фестивали ўтказилиб, унда АҚШ, Туркия, Канада, Қирғизистон ва Қозоғистон кўғирчоқ театрлари меҳмон сифатида иштирок этишди.

Бу каби халқаро алоқалар йилдан-йилга кўпаймоқда. Биргина 1994-1998 йиллар давомида театрларимиз Польша, АҚШ, Туркия, Тайланд, Россия, Франция, Қирғизистон, Покистон, Исроил, Германия, Қозоғистон, Миср, Украина каби давлатларда ўтказилган йирик халқаро фестивалларда бир неча маротаба иштирок этишди. Биргина Миср Араб Республикаси пойтахти Қоҳира шаҳрида ўтказиладиган анъанавий театр санъати фестивалида 10дан ортиқ театрларимиз иштирок этишди: Ўзбек Миллий академик драма, Муқимий номидаги мусиқий, Республика ёш томошабинлар, Республика кўғирчоқ театрлари билан бир қаторда Сапар Хўжаниёзов номидаги Қорақалпоғистон ёш томошабинлар, Бухоро вилоят кўғирчоқ театрлари, Маннон Уйғур номидаги Сурхондарё вилоят мусиқали драма театри...

Алоҳида қайд этиб ўтиш жоизки, 1997 йилнинг 1-11 февраль кунлари Хамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театри Эркин Ҳушвақтовнинг “Чимилдиқ” спектакли билан Миср Араб Республикасининг Қоҳира шаҳрида ўтказиладиган анъанавий театр фестивалида иштирок этиб, катта муваффақият қозона олди⁶. Шунингдек, мазкур спектакль Қозоғистон Республикасида ўтказилган халқаро Маданият фестивалида ҳам намоён этилди.

Юртбошимизнинг 1998 йил 26 мартдаги “Ўзбекистон театр санъатини ривожлантириш тўғрисида”ги Фармонларига биноан “Ўзбектеатр” ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ташкил этилгач, бу борадаги ҳамкорлик алоқалари янада мустаҳкамланди.

1999 йил апрель ойида Қирғизистон Республикасининг Бишкек шаҳрида “Айтматов ва театр” номли халқаро театр санъати фестивали

⁶ Мазкур спектакль қуйида батафсил таҳлил этилади.

ўтказилди. Унда Қарши шаҳрининг “Эски мачит” театр студияси ҳам иштирок этиб, Чингиз Айтматовнинг асари асосида сахналаштирилган “Найман она нидоси” спектаклини намойиш этди. Спектаклнинг кучли режиссураси, актёрлик маҳорати ва юксак ижроси барчани ҳайратда қолдирди ва яқунда олий соврин – ГранПрига лойиқ, деб топилди. Шунингдек, “Эски мачит” театр студияси шу йили “Найман она нидоси” спектакли билан Миср Араб Республикасида ўтказиладиган анъанавий театр фестивалида ҳам иштирок этди.



“Холстомер” спектаклидан лавҳа

2000 йил 7-11 сентябрь кунлари Ўзбекистон Ёшлар театри Россия Федерациясининг Самара шаҳрида ўтказилган халқаро театр фестивалида буюк рус адиби Лев Толстой асари асосида сахналаштирилган “Холстомер” спектакли билан иштирок этиб, катта муваффақият қозонди. Айтиб ўтиш жоизки, айнан Ўзбекистон санъат арбоби

Наби Абдурахмонов бадий

раҳбарлигидаги Ўзбекистон Ёшлар театри томонидан сахналаштирилган спектакллар барча қитъалардаги фестивалларда иштрок этишган. “Холстомер”, “Девочка со спичками”, “Скрипач на крыше”, “Вечная плясунья Шарора”, “Лекарь поневоле”, “Принцесса Турандот”, “Содом и Гоморра XXI”, “Созвездие Омара Хайяма” каби бир қатор жиддий ва замонавий йўналишдаги спектакллари билан барчанинг диққат эътиборини қозонишган. Мазкур театрдаги актёрлар ижроси, сахнавий талқин, рақслар, тўқнашув сахналари, пластика, декорациялар, борингки, барча майда масалаларга ҳам катта эътибор қаратилади. Мен ўзим мазкур театрда маълум давр мобайнида фаолият юритиб, ижодий жамоа томонидан ўз вазифасига

нақадар профессионал ёндошишига гувоҳ бўлганман. Айниқса Наби Абдурахмоновнинг талабчанлиги, психологлиги ва спектакль воқеаларини талқин этишдаги ўзгача ёндошувчи менда катта таассурот қолдирган эди.

Театрга улкан муваффақият келтирган “Холстомер” спектаклини Наби Абдурахмонов сахналаштирган бўлиб, мусиқани халқаро танловлар лауреати Дмитрий Янов-Яновский басталаган. Мазкур спектакль ёш жамонинг ижодий изланишлари, бадий йўналишини белгилаб берган. Спектакль давомида сахнани классика, адабиёт руҳи эгаллаб олади. Актёрларнинг замонавий пластикасининг мусиқа билан ўзаро уйғунлиги асарга ўзгача тароват бахш этади. Спектаклда куч-ғайратга тўла ёш от (Бобур Йўлдошев ижросида)нинг ҳаёти кўрсатилган. Унда ҳеч бир отга ўхшамаган, ўзининг “алоҳида” хислатлари учун бир гуруҳ отлар томонидан ёлғизликка маҳкум этилган буюк Холстомер ҳақида сўзланиб, воқеалар кўрсатилиб берилади. “Холстомер”– бу Озодликка бўлган абадий кураш ҳақидаги спектаклдир. Мазкур асар Россиянинг турли худудларида бир неча маротаба намойиш этилган. Сахналаштирилганига қарийб 10 йил бўлган бўлсада, ҳануз театр сахнасидан тушмаганлиги айнан сифат белгисидир.

Мазкур театрнинг 2000 йилда сахналаштирилган яна бир спектакли борки, фавқулотда машҳур бўлиб кетган – “Содом и Гоморра XXI”. Либретта муаллифи Жалол Юсупов, сахналаштирувчи режиссёр Наби Абдурахмонов, композитор Альберт Халмурзаев, балетмейстер Малика Искандаровадан иборат ижодий гуруҳ жонли мусиқа жўрлигида пластик спектакль яратди (унинг қайта ишланган, ижодий безаклар берилган янги талқини 2004



*“Содом и Гоморра XXI”
спекталидан лавҳа*

йил саҳнага олиб чиқилган). Спектаклда актёрлар сўзламайди, фақат пластик рақс бор. Аммо, томошабинга шундоқ ҳам тушунарли. Муסיқа садолари остидаги беназир ижро томошабинни ўзига ром этмай қўймайди. Спектакль тарихий Садом ва Гаморра қиссаси асосида яратилган бўлиб, пластика орқали ҳаётнинг нақадар гўзаллиги, уни турли разликларлардан асраш, инсон ҳаётини сақлаб қолиш хусусидаги улуғвор фикрлар баён қилинади. Либретта якунида “Мана шаҳар йўқолди, бугун биз яшаётган жой ҳам худди шундай тақдирни бошдан кечириши мумкин...” дейилади. Спектакль “Молодость Века” номли халқаро телевизион-театр фестивалида иштирок этиб, Энг яхши эркак роли учун номинацияда Холстомер ролини ижро этган Бобур Йўлдошев ғолиб бўлган (Россия, 2002 йил). Шунингдек,

А.П. Чехов номидаги халқаро театр фестивалининг иштирокчиси бўлиб, энг яхши спектаклларнинг кучли ўнталигига киритилган (Москва, 2005 йил).

2000 йилга қайтсак: 12-22 октябрь кунлари “Ипак йўли – театр саёҳати” лойиҳаси доирасида Германияда Ўзбекистон театр кунлари ўтказилди. Унда Германиянинг “Ан дер Рур” театри таклифига биноан Й.Охунбобоев номидаги Республика ёш томошабинлар театри режиссёр Олимжон Салимовнинг “Боз масхарабоз”, Қарши шаҳар “Эски мачит” театр-студияси “Ҳобил ва Қобил” спектакллари билан муваффақиятли иштирок этишди.

Ўз навбатида мазкур алоқа доирасида 2001 йил 11 апрель куни юртимизга Германиянинг “Ан дер Рур” театри ташриф буюриб, “Каспар” спектаклини Ўзбекистон Академик рус драма театрида намойиш этди.

Шулар орқали халқаро алоқаларимиз йилдан йилга ривожланиб борди⁷.

Ўзбек театрлари халқаро сахналарга чиқаётган билан бир вақтда мамлакатимизда “Наврўз”, “Хумо”, “Андижон баҳори”, “Сархисоб”, “Дебют”, шунингдек, бир неча бор кўғирчоқ театрлари фестиваллари ташкиллаштирилди. Уларда Япония, Германия, Россия, Грузия каби давлатлардан вакиллар иштирок этишди.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, ўзбек театр санъати учун 2008 йил жуда ҳам омадли бўлди – уни Халқаро алоқалар йили, дейиш мумкин. Ўзбекистон театрлари маънавий-маърифий учрашувларда ҳамда турли халқаро фестивалларда кенг миқёсда иштирок этишди.

Жумладан, йилдан йилга ривожланиб ва мустаҳкамланиб бораётган Ўзбекистон ва Япония маданий алоқалари доирасида 2008 йил март ойида А.Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта театрида ўзбек ва япон балет усталарининг санъати намойиш этилди. “Тойота-сити балет компани” театри ёш ва истеъдодли раққосаси Сайна Кудо ва устоз раққос Кошиба Фукунобу улуғ рус композитори П.Чайковскийнинг “Щелкунчик” балетида иштирок этиб, япон балетининг ютуқларини ҳар томонлама намойиш этдилар. Айниқса, япониялик раққос ва раққосалар ўзларига хос балет мактабини ва бу мактаб йилдан-йилга ривожланиб бораётганини кўрсатдилар.

Япония ва ўзбек балет санъати усталарининг маҳорати “Жизель” спектаклида ҳам яққол намоён бўлди. Спектаклнинг биринчи пардасини ўзбек, иккинчи пардасини эса япониялик раққос ва раққосалари ижро этиб, дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлашди. Ушбу маданий алоқалар доирасида композитор

⁷ Ўзбек театрларининг 2002-2008 йиллардаги халқаро маданий алоқалари бўйича тўлиқ рўйхат илова этилмоқда.

Янов-Яновскийнинг “Урашимо таро” балет спектакли ҳамкорликда сахналаштирилиб, 22-29 октябрь кунлари Японияда ижодий сафарда бўлишди. Спектаклнинг премьералари 22 октябрь куни Токио шаҳрида, 24 октябрь куни Ногое шаҳрида кенг жамоатчилик иштирокида бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Ёшлари театри Россиянинг Саранск ва Санкт-Петербург шаҳарларида ўтказилган иккита Халқаро театр санъати фестивалида муваффақиятли иштирок этди:

22-март куни Россиянинг Саранск шаҳрида ўтказилган III-Халқаро драматик театрлар фестивалда “Лекарь поневоле” (Ж.Б.Мольер асари) спектакли намойиш этди.

21-март куни Санкт-Петербург шаҳарида “Балтийский дом” театр фестивали билан ҳамкорликда махсус лойиҳа асосида тайёрланган “Хўжа Насриддин” (Т.Зулфиқоров асари асосида) спектакли премьераси муваффақиятли бўлиб ўтди.

2-апрель куни Санкт-Петербург шаҳарида “Встречи в России” 10-Халқаро театр санъати фестивалининг очилиш маросимида Г.А. Товстаногов номидаги академик катта драма театрида Ёшлар театри артистлари ўз дастурларини намойиш этишди.

4-апрель куни “Встречи в России” театр санъати фестивали доирасида махсус дастур асосида Ўзбекистон Ёшлари театрининг 80 йиллиги муносиб нишонланди ва “Балтийский дом” театр фестивали ҳамда Ёшлар театри актёрлари иштирокида “Хўжа Насриддин” спектакли намойиш этилди. Ушбу ҳамкорлик асосида 2008 йил 14-17 ноябрь кунлари “Балтийский Дом в Ташкенте” халқаро театр санъати фестивали муваффақиятли ўтказилди. Ушбу фестиваль доирасида 17 ноябрь куни Ўзбекистон Ёшлари театрининг 80 йиллиги фестивал иштирокчилари ва кенг жамоатчилик иштирокида тантанали равишда нишонланди.

Яна шуни айтиб ўтиш жоизки, ноябрь ойининг 9-11 кунлари “Балтийский Дом” театр фестивали Санкт-Петербург шаҳри ҳукумати билан ҳамкорликда хориж-рус театрларининг муаммоларига бағишланган “Рус театри хорижда” номли ҳалқаро анжуман ўтказди. Ушбу анжуманда рус тилида фаолият олиб бораётган Ўзбекистон Ёшлар театрининг бадий раҳбари Наби Абдурахмонов юртимиздаги рус театрларининг фаолияти ва уларнинг ижодий ютуқлари бўйича маъруза қилди ва мутахассисларнинг диққатини тортди.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрида 6-11 апрель кунлари буюк италян композитори Д.Пуччини таваллудининг 150 йиллигига бағишлаб Халқаро опера фестивали ўтказилди. Унда Ўзбекистон, Россия, Италия опера санъати усталари ўзларининг маҳоратларини Пуччинининг “Флория Тоска”, “Мадам Баттерфлей”, “Богема” опералари ва гала-концертда намойиш этишиб, пойтахтимиз опера шинавандаларини хушнуд этишди.

Қозоғистон Республикасининг Олма-ота шаҳрида 2008 йилнинг 2-6 сентябрь кунлари ўтказилган Марказий Осиё мамлакатларининг II-Халқаро театр санъати фестивалида Юсуфжон кизиқ Шакаржонов номидаги Фарғона вилоят мусиқали драма театри жамоаси “Кампир топайми дадажон” (Х.Хурсандов) спектакли билан қатнашиб, миллий театр санъатимизни катта муваффақият билан намойиш этишди ва иккита номинация бўйича мукофотга сазовор бўлиб қайтди.

Шунингдек, ушбу фестивални ҳакамлар ҳайъатида иккита етакчи театршунос олимлар – санъатшунослик фанлари доктори, профессор Муҳаббат Тўлахўжаева, санъатшунослик фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Тоир Исломовлар иштирок этиб, ўзбек театр санъатини тарғиб этишди ва бошқа халқлар театр санъати билан яқндан танишишга муяссар бўлишди. Бу ўзаро ижодий мулоқот самарали бўлди.

Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси ташаббуси билан Хоразм вилоят қўғирчоқ театри ҳамда Германиянинг Дармштадт шаҳридаги “Хамелион” театрлари ҳамкорлигида 2008 йилнинг 2-12 сентябрь кунлари Хива шаҳрида “Сехрли нур” театр лойиҳаси доирасида мастер-класс ўтказилди. Германиялик таниқли режиссёр Юрген Цехманн “Сехрли нур” лойиҳаси бўйича театрни услуб ва йўналишлари билан Хоразм қўғирчоқ театри артистларини яқиндан таништирди ва шу услуб бўйича “Минг бир кеча тушларига саёҳат” спектаклини сахналаштирди.

Россия театрлари билан ўзаро ҳамкорлик доирасида Ўзбекистон академик рус драма театрининг бадиий раҳбари, Ўзбекистон санъат арбоби В.Шапиро сентябрь-октябрь ойларида Екатеринбург драма театрида “Человек который платит” (А.Жамьяк) спектаклини сахналаштирди.

Ўзбек Миллий академик драма театри бош режиссёри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Валижон Умаров 11 сентябрь – 13 октябрь кунлари ўзаро ҳамкорлик доирасида Қозоғистон Республикасининг пойтахти Астана шаҳридаги Қунишбоев номидаги театрда “Қирмизи олма” асарини сахналаштириб, қозоқ томошабинларига тақдим этди.

8-10 октябрь кунлари Ўзбекистон Ёшлари театри ҳамда Германиянинг Тошкентдаги Гёте институти ҳамкорлигида “Театр ва мактаб болалари масалалари” номли илмий-амалий конференция уюштирилди. Бу тадбирда пойтахтимизнинг болалар театрлари раҳбарлари ва Ўзбекистон Давлат санъат институтининг ўқитувчилари иштирок этдилар.

Миср Араб Республикаси пойтахти Қоҳира шаҳрида 2008 йилнинг 10-20 октябрь кунлари ўтказилган анъанавий XX халқаро театр санъати фестивалида Маннон Уйғур номидаги

Сурхондарё вилоят мусикали драма театри жамоаси муваффақиятли иштирок этди. Дунёнинг барча қитъаларидан 50га яқин театрлар катнашган ушбу фестивалда Сурхондарёлик ижодкорлар Қоҳира шаҳри марказидаги “Метрополь” театри биносида “Қайсар чолнинг қилиғи” (Х.Хурсандов) спектаклини икки мартаба кенг жамоатчиликка муваффақият билан намойиш этишди. Бу каби ижодий ҳамкорлик алоқалари йилдан-йилга раванқ ториб, ривожланиб давом этиб келмоқда...

Маълумки, мустақиллик йилларида сахналаштирилган драматург Эркин Хушвақтов қаламига мансуб “Чимилдиқ”, “Қаллиқ ўйини”, “Андишали келинчак”, “Қирмизи олма”, Санжараил Имомов қаламига мансуб “Супер қайнона”, Холиқ Хурсандов ва Валижон Умаров қаламига мансуб “Аёлғу”, Нурилла Аббос қаламига мансуб “Ўзбекча рақс” каби бир қатор спектакллар халқимизнинг анъаналари, турли ҳудудларга хос урф-одатлар, маросимлар ва муносабатларни ўзида акс эттиргани, халққа яқинлиги ва айнан ўзбек характерини тўлақонли очиб бера олганлиги учун ҳам ўзимизда ҳамда хорижий мамлакатларда катта муваффақият қозонди.

Жумладан, драматург Эркин Хушвақтовнинг “Чимилдиқ” пьесаси асосида 1995 йилда сахналаштирилган спектаклда ҳажвий руҳ устунлик қилгани ҳолда халқнинг асрий анъаналари, расм-русумлари намойиш қилинади. Спектаклнинг асосини ташкл этувчи халқона ўзига хос мавзу топилганки, натижада томошабоп спектакль юзага келган. Режиссёрлар ўша даврга хос ўзбек сахна санъати тамойилларига амал қилган ҳолда иш тутганлар. Театр санъати энг яхши маданий анъаналарга таяниши, этнография, фольклор, миллий турмуш тарзига хос расм-русумларнинг сахнага олиб чиқилиши – айна ўша давр театр тараққиётининг йўналишлари жумласига киради. “Чимилдиқ” айнан мана шу йўналишда яратилган, мақтовга лойиқ спектакллардан бири бўлди. Унинг 500 мартадан кўп

қўйилиши, доимий равишда аншлағ билан ўтиши, хорижда илиқ кутиб олиниши ҳам унинг нақадар юксак маҳорат билан яратилганлигига яна бир далилдир.

Режиссёр “Чимилдиқ” спектаклини никоҳ тўйи сифатида сахналаштиради, томошабинларни шу тўйга келган меҳмонлар сифатида тушуниш мумкин. Бу куй-қўшиқларга бой, ниҳоятда ҳаққоний спектаклда ўзбек халқининг миллий ўзига хослиги, унинг қалбан қанчалар соддалиги, кўнгли очиқлиги ўз аксини топган. Спектакль енгил ва ёрқин юмор билан йўғрилган бўлиб, кўпроқ мусиқали драмани эсга солади.

Сахналаштирувчи режиссёр Турғун Азизов Мунаввар Абдуллава билан этнографик-фольклор спектакль қўядилар. Унда келин-куёвнинг никоҳ тўйидан кейинги дастлабки кечаси ҳақида ҳикоя қилинади. Розилигини сўрамасдан қиз болани турмушга бериш оқибатида қандай воқеалар рўй бергани мисолида аввалига муаллиф, қолаверса режиссёрлар одамларнинг бошидан қандай савдолар кечиши ҳамда ана шундай вазиятларда ўзларини қандай тутишларини очиб беришга ҳаракат қилганлар. Саҳналардаги воқеаларни ўзига хос тарзда авж олиши-ю, ёш келин-куёв тушиб қолган вазиятнинг фаройиблиги ростакам ҳаётга эндгина қадам қўяётган йигит ва қизнинг ўзаро мураккаб муносабатларини имкон борича тўлақонли кўрсатишга ҳаракат қилган. Спектакль воқеаларининг тифизлиги, аниқлиги билан эътиборга лойиқ. Режиссёрларнинг диққат-эътибори инсоний фазилатларни кўрсатиб беришга қаратилган. Воқеалар асосида йигит-қиз бир-бирини тушуниб етадилар. Бу эса бир-бирларига меҳр қўйишларига замин бўлади. Куёв оғир ҳаёт йўлларини мардона енгиб ўтган йигит эканини англаган келин уни севиб қола бошлайди. Куёв эса бошидан кечирган машаққатларни англаб муносиб баҳолай оладиган келинни ёқтириб қолади.

Театрнинг бу спектакли томошабинлар олқишига сазовор бўлди ва катор йиллар мобайнида катта муваффақият билан сахнага кўйилди. “Чимилдиқ” спектакли 1999 йили Мисрда бўлиб ўтган Халқаро Театр Фестивалида намойиш қилинди ва олқишларга сазовор бўлди.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, Ўзбекистон ва Миср Араб Республикасининг театрлари билан халқаро маданий алоқалари йилдан-йилга ривожланиб бормоқда. Ўзбекистонда фаолият юритувчи Миср Араб Республикасининг Маданият маркази бу борадаги алоқаларни янада такомиллаштириш устида тинмай изланмоқда.

Ўтган йиллар мобайнида Ўзбекистон ва Миср Араб Республикаси ўртасидаги ўзаро дипломатик муносабатлар янада кенг ривожланди. Бу омил эса театрларимизнинг ушбу мамлакатда ўтказиладиган анъанавий театр фестивалида иштирок этишларига замин яратди.

Қоҳира Халқаро фестивали 2008 йилда йигирманчи маротаба ўтказилганлиги сабабли ўзига хос сарҳисоб йили бўлди, дейиш мумкин. Бу фестивалга Осиё, Африка, Европа ва Америка мамлакатларидан элликка яқин театр жамоалари ташриф буюришган бўлиб, сахнада турли тилларда сўзлашган турфа санъаткорларнинг ижро маҳорати, режиссураси, анъанавий ва янги йўналишдаги услублари билан танишиш ва ўзаро мулоқотлар қилиш имкони туғилгани билан ҳам қимматлидир. Улар орасида Россия, Озарбайжон, Украина, Ҳиндистон, Австрия, АҚШ, Бразилия, Италия, Испания, Яман, Франция, Греция, Болгария, Жазоир, борингки, барча қитъалардан келган театр жамоалари ўз санъатларини намойиш этиб, тинчлик, инсонпарварлик каби эзгулик ғояларини олға сурган ўнлаб асарлар ижро этилди⁸.

⁸ “Эҳромлар мамлакатиди”. “Театр” журнали. 2008/6. 15-бет

Мамлакатимиз номидан борган М.Уйғур номидаги Сурхондарё вилоят мусикали драма театрининг “Қайсар чолнинг қилиғи” (Х.Хурсандов асари) комедияси Қоҳира марказидаги Метропол театрида икки мартаба намоиш этилди. Спектаклни турли мамлакатлардан келган театр ижодкорлари, маҳаллий мутахассис ва томошабинлар, элчихоналар вакиллари, Қоҳира Университетларида таълим олаётган ватандош талабалар мириқиб томоша қилишди.

Асарнинг мавзуси бир қарашда оддий воқеадек кўринсада, сахналаштирувчи режиссёр, театрнинг бадиий раҳбари, Ўзбекистон Санъат арбоби Мансур Равшанов спектаклни умуминсоний муаммолар даражасида талқин қилишга эришган ва бу борада комедиянинг фарс жанридан унумли фойдаланиб, томошавийликни таъминлаган.

Асар бош қаҳрамони уста Мавлон (Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Йўлдош Мирқурбонов) кўшни қишлоқдаги кадрдон дўсти уста Йўлдошнинг жанозасига битта-ю битта ўғлининг келмаганлигини ақлга сиғдиролмайди. “Мен ҳам бирдан бандаликни бажо келтириб қолсам, фарзандларим келмай қолса нима бўлади”, дея изтироб чекади. Ўқитиб, уйли-жойли уч ўғил ва бир қизи ёнида эмаслиги, улар турли жойларда, узоқда эканлиги алам қилади, саросимага тушади ва бир ҳийла топиб, ўзини “ўлди”, деб фарзандларининг ўзига бўлган муносабатини, меҳр-оқибатини синаб кўрмоқчи бўлади. Чол бу қалтис ҳазилни амалга оширишда соддадил хотини Ойдана (Қаноатхон Миродилова ижросида), болалиқдан кадрдон, ҳазилкаш жўраси Аваз (Хайрулла Насриддинов ижросида)лар кўмагида амалга оширади. Шу жараёнда воқеалар ривож топади ва персонажларнинг характер хусусиятлари очилиб боради. Азами, тўйми фарқига бормасдан фақат пул ишлаш пайида бўладиган марсиячи аёл (Ўзбекистон халқ артисти Гулнора Равшанова ижросида), бошлиқларнинг буйруқларини сўзсиз бажариб

ўрганган маҳалла раиси (Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Чоршанби Чориев ижросида), ҳамма воқеани тадбир деб билган Вакил (Марат Шарипов ижросида), раҳбар лавозимида ишлаб, ўзини баландпарвоз тутадиган, ҳатто отаси вафотида ҳам йиғлашга тортинадиган тўнғич ўғил Султон Мавлонович (Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ҳамид Орипов ижросида) каби актёрлар ўз ролларини талқин қилиш жараёнида ижро маҳоратлари юқори даражада эканлиги, образлар моҳиятини чуқур ҳис қилишларида сахнада ансамбль вужудга келтира олганлари сабабли томошабинларни ром эта олишди.

Бу асар театрда “Ўлдинг, азиз бўлдинг” номи билан даставвал бир неча йил олдин сахналаштирилган бўлиб, “Андижон баҳори-2001” театр санъати фестивалида намойиш этилган. 2006 йили Тошкентда ўтказилган ижодий ҳисобот гастролида “Қайсар чолнинг қилиғи” номи билан такомиллаштирилган вариантини сахнага кўйишган ва ижобий натижага эришишган.

Мансур Равшанов мазкур спектаклнинг фольклор-этнографик, актёрлар ижросидаги пластик томонларига эътиборни кучайтирди ва бу омил Қоҳира фестивалига турли мамлакатлардан келган режиссёрлар, актёрлар, театр соҳаси мутахассислари ва томошабинларда катта қизиқиш уйғонишига сабаб бўлди. Чунки асарда ота ва фарзанд ўртасидаги муносабат, инсоний қадр-қиммат каби ҳаётий, муҳим муаммолар гоҳ жиддий, гоҳ кулгили, кинояларга бой тарзда, турмушда учрайдиган иллатларнинг фош қилиниши ёрқин бўёқларда ифодаланганлиги туфайли ўзбек тилини билмаган томошабинларнинг ҳам эътиборини тортди.

Хулоса қилиб айтганда, мустақиллик даврида ўзбек театр санъатига бўлган эътибор янада кучайди, янада ривожланди. Театрларимиз мустақил Ватанимиз ва миллий театр санъатимиз довуғини чет элларда янада машҳур қила олишди. Бунга ўз-ўзидан

эришилгани йўқ. Тинимсиз ижодий меҳнат, изланувчанлик, касбига садоқат ва, албатта, Ҳукуматимиз томонидан соҳани янада ривожлантиришга қаратилаётган катта эътибор натижасида булар қўлга киритилмоқда. Улардан унумли фойдаланиш ва тўпланган тажрибани авайлаб-асраб, келажак авлодга бекаму-қўст етказиш биз ёшларнинг пировард вазифамиз ҳамда бурчимиздир.

Хулоса ва таклифлар

Миллатимиз ижодкор халқ. Санъатни, театр санъатини ардоқлайди, севади, уни ҳаётининг бир бўлаги сифатида алоҳида эъзозлайди. Борди-ю, бирон театримиз ўзимизнинг спектакли билан чет элга гасроль сафарига, фестивалларга борса, албатта, катта қизиқиш билан тадбир натижалари кутилади, уларга чин дилдан омадлар тиланади. Бу бизнинг менталитетимизга хос хусусият.

“Ўзбектеатр” ижодий ишлаб-чиқариш бирлашмасининг ҳисоботида: “Ҳукуматиз томонидан театр санъати соҳасини ривожлантиришга, уларнинг фаолиятини кўллаб-қувватлашга, театрларимиз моддий-техник базасини мустаҳкамлашга катта эътибор қаратилмоқда. Бунинг натижасида ҳозирда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда жаъми 37та давлат театри мавжуд бўлиб, уларда ҳар йили 120-150 тагача янги оригинал сахна асарлари яратилади. Шу жумладан, Тошкент шаҳрида 10та театр ва битта “Дийдор” театр-студияси мавжуд. Шунингдек, Республикамизда “Илҳом”, “Аладин”, “Турон”, “Эски мачит” сингари кўплаб нодавлат театр-студиялари ҳамда ҳаваскорлик жамоалари мавжуд бўлиб, уларда театр санъатининг барча жанр ва йўналишларида қизғин ижодий жараён давом этмоқда”⁹ дейилади.

Ҳукуматимиз соҳа ривожига эътибор қаратмоқда. Лекин, “олма пиш, оғзимга туш”, деб боқиманда бўлиб ўтирган театрларимизнинг борлиги ҳам ҳақиқат...

Бугунги кун ҳаёти, миллий анъаналар, расм-русмлар, фолькор-этнографик асарларни сахналаштиришда янгича ёндошувга алоҳида эътибор қаратилган спектакллар доимо аншлаб билан ўтмоқда.

⁹ “Ўзбектеатр” ижодий ишлаб-чиқариш бирлашманинг 2008 йил фаолиятига доир ҳисоботдан кўчирма.

Ҳорижда ҳам ўзгача кутиб олинмоқда. Бунинг сабаби томошабин баландпарвоз, нореаль, бўрттирма воқеалардан иборат бўлган спектакллардан зериканлигидир. Тан олиш керак кўпгина спектаклларга томошабин ташкил этилиб, олиб келинмоқда, улар ўз хоҳиши билан келаётгани йўқ. Балки, вақтинча шундай қилиш ҳам керакдир...

Бу муаммо устида анча йиллардан бери қатор ишлар олиб борилиб, кўплаб илмий фаразлар илгари сурилди, таклифлар билдирилди. Унинг натижаси эса бугунги кунда мева бериб турибди.

Театрларимизда сахналаштирилаётган спектакллар ўзининг мазмунан етуклиги, юқори савияда ва асосийси халқчил эканлиги билан томошабинни ром этмоқда. Лекин шу билан тўхтаб қолиш, бўлди иш битди, дейиш нотўғри. Унинг ўрнига янада юқори кўтарилишни, янгидан-янги мамлакатларни театр санъатимизга ошно этиш керак.

Бугунги кунда юртимиз театрларининг халқаро маданий алоқаларини ўрганиб чиқиб, уни янада ривожлантириш борасида куйидаги устувор вазифаларни амалга оширишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайман:

1. Театрларимиз моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш;
2. Театрларда ўз маблағлари доирасида халқаро алоқалар билан ишловчи махсус бўлинмалар ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини йўлга қўйиш;
3. Театрларда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш; шахсий веб-сайтини ишга тушириш;
4. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, “Ўзбектеатр” ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан театрларимизнинг халқаро алоқаларини янада ривожлантиришга кенг йўл очиб бериш; чунки бугунги

кунда халқаро алоқаларни йўлга қўйиш фақат мазкур идоралар орқали амалга оширилиши шарт қилиб белгиланган;

5. Нафақат жаҳонга чиқиш, балки, жаҳон классик театрларини ҳам тез-тез юртимизга гастроль сафарига таклиф этиб туриш; бу орқали нафақат икки давлат театрлари ўзаро тажриба алмашадилар, балки, томошабинлар ҳам ўзга давлат театр санъатининг ютуқ ва камчиликларини ўрганиб, солиштириш учун ўзида база хосил қилади;
6. Халқаро алоқаларни ривожлантиришдаги бош омил – театрларимиз элчихоналар билан ишлашни янада ривожлантиришлари зарур; зеро барча халқаро алоқаларнинг ривожини замирида муайян давлатнинг элчихонаси туриши ҳаммага маълум;
7. Театрларда ташкилий ишлар билан бир қаторда ижодий изланишларни ҳам чуқурлаштириш лозим; янги, замонавий топилмалар иштирокида, миллий-эстетик спектаклларни саҳналаштириш давр талаби...

Бу каби ишларни амалга ошириш унчалик қийин бўлмасада, ўта масъулиятли вазифадир. Бунга кенг жамоатчилик, театр санъати ходимлари ва барчамиз бош қўшишимиз талаб этилади.

Муҳтарам Президентимиз ўзларининг “Юксак маънавият – енгилмас куч” китобида Ватанга садоқат билан хизмат қилиш ҳақида тўхталиб, шундай дейдилар: **“Ҳар куни, ҳар соатда фидойи бўлиш, ўзини томчи ва томчи, заррама-зарра буюк мақсадлар сари чарчамай, толиқмай тинимсиз сафарбар этиб бориш, бу фазилатни доимий, кундалик фаолият мезонига айлантириш – ҳақиқий қаҳрамонлик аслида мана шу”**¹⁰.

¹⁰ И.Каримов. “Юксак маънавият – енгилмас куч”. “Маънавият” нашриёти. Тошкент ш. 2008 йил;

Ушбу сўзларни маъносини англаб, ҳар кунлик фаолиятимизда фойдаланишимиз ва уларга амал қилишимиз керак бўлади.

1958 йили устоз санъаткор Абдор Хидоятлов “Отелло” спектаклини охириги марта ижро этганда ижросидан руҳланиб: “Ҳали биз ўзбеклар жаҳон театр санъатини батамом забт эта оламиз”, деган экан. Ана шу кунларга ҳам етиб келдик. Ўзбек театр обрўси йилдан-йилга ошиб, чет эллик томошабинлар орасида ҳам муҳлислар орттирмоқда.

Зеро, бугунги кунда жаҳонда бўдиб ўтаётган бирор-бир халқаро театр фестивал ўзбек театри иштирокисиз ўтаётгани йўқ. Яна ҳам муҳими, санъаткорларимиз кўплаб театр фестиваллари ва кўрик-танловларида ғолибликни қўлга киритиб, совринлар билан қайтмоқдалар. Бу албатта, ғурурли миллатимизга янада ғурур бахш этади, бизни ижодий ишлар сари яна руҳлантиради.

ЎЗБЕК ТЕАТРЛАРИНИНГ СЎНГГИ ЙИЛЛАРДАГИ ХАЛҚАРО МАДАНИЙ АЛОҚАЛАРИ

(“Ўзбектеатр” ИИЧБ ҳисоботидан)

2002 йил

1. 2002 йилнинг апрель ойида Ўзбекистон ёшлари театри "Девочка со спичками" (Андерсен) спектакли билан Исроил давлатининг Хайфе шаҳрида ўтказилган болалар ва ўсмирлар Халқаро фестивалида иштирок этди.

2. Октябрь ойида Россия Федерациясининг Ростов-Дон шаҳрида ўтказилган "Минифест-2002" 7-Халқаро фестивалида "Девочка со спичками" (Андерсен) спектакли билан иштирок этди.

3. Ноябрь ойида Германиянинг Дрезден ёш авлод театри таклифига биноан ижодий сафарда бўлиб "Мақом бизга ҳамоҳанг" спектакллари намойиш этди.

4. Қирғизистон Республикаси Бобур номидаги Ош мусиқали драма театри томонидан май ойида ўтказилган "Дўстлик чорраҳасида" номли Халқаро театр санъати фестивалида мамлакатимиздан А.Бакиров номидаги Андижон вилояти Ёшлар театри "Бир кам дунё" (Т.Юнус) асари билан иштирок этди.

5. Асрор Жўраев номидаги Самарқанд вилояти кўғирчоқ театри Жанубий Корея ва Японияда ўтказилган футбол бўйича жаҳон чемпионати доирасидаги тадбирларда миллий кўғирчоқ театри санъатимизнинг намуналарини намойиш этди.

6. Республика қўғирчоқ театри июль ойида АҚШда ўтказилган "Буюк Ипак йўли" Халқаро фестивалида "Чодир жамол" спектакли билан иштирок этди.

7. Республика ёш томошабинлар театри сентябрь ойида Миср Араб Республикасининг пойтахти Қоҳира шаҳрида ўтказилган анъанавий 14-Халқаро театр санъати фестивалида "Боз масхарабоз" (О.Салимов) спектаклини томошабинларга ҳавола этди.

8. Алишер Навоий номидаги давлат академик Катта театри бир неча Халқаро лойиҳалар асосида спектакллар сахналаштирди. Ўзбек-Корейс санъаткорлари ҳамкорлигида "Риголетто" (Дж.Верди), Ўзбек-Россия санъаткорлари ҳамкорлигида "Эсмеральда" балет спектакли асосида "Виктор Гюго бугун ва эрта", Ўзбек-Британия санъаткорлари ҳамкорлигида Буюкбритания мусиқачилар дастаси концерти, Ўзбек-Япония санъаткорлари ҳамкорлигида "Дон Киход" (Л.Минкус) Япониянинг "Тойота Сити балет" гуруҳи ҳамда чет эл таниқли артистларининг қатор концертлари намойиш этилди. Булар Россиянинг Большой театрининг артисти Лола Кочеткова "Виртуози Москви" оркестри Владимир Спиваков раҳбарлигида, "Солисти Москви" оркестри Юрий Башмет раҳбарлигида концертлар намойиш этишди. Германиялик дирижёр Пьер Доминик "Паяци" операсига дирижёрлик қилди. Россия халқ артисти Татьяна Васильева "Примадонна" моно спектаклини томошабинларга ҳавола этди.

2003 йил

1. Ўзбекистон ёшлари театри Россия Федерациясининг Санкт-Петербург шаҳрида 2003 йилнинг март ойида ўтказилган анъанавий Халқаро фестивалда "Холстомер" спектакли билан иштирок этиб, мутахассислар ва томошабинлар томонидан қизғин кутиб олинди,

сўнгра театр Москва шаҳрида гастрол сафарига бўлиб бир hafta давомида бир неча спектакларини талабчан рус томошабинларига намоиш этди. Ушбу ижодий сафарни муваффақиятли ўтиши учун Маданият ишлари вазирлигининг буйруғига биноан "Ўзбектеатр" ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси 27 миллион сўм маблағ ажратди.

2. Й.Охунбобоев номидаги ёш томошабинлар театри Душанбе шаҳрида 16-22 июнда ўтган "Наврўз" минтақавий, Миср Араб Республикасининг пойтахти Қоҳира шаҳрида ўтказилган Халқаро театр санъати фестивалларида "Турна патлари" (Д.Киносито) спектакли билан муваффақиятли иштирок этди. Бу ижодий сафар учун ҳам Маданият ишлари вазирлигининг буйруғига биноан 7 миллион сўм маблағ ажратди.

3. Қарши шаҳар "Эски мачит" театр-студияси Бишкек шаҳрида ўтган Халқаро театр санъати фестивалида "Рақсу самоъ" (А.Навоий асарлари асосида) иштирок этиб яхши натижаларга эришди.

4. Шунингдек, Москвада ўтказилган Чехов номидаги Халқаро театр санъати фестивалида Республикамиздан бир неча мутахассислар иштирок этишди.

5. Ўтган йилнинг ноябрь ойида бошланган "Хумо" Халқаро ёшлар театрлари мусиқа ва рақс санъати фестивали 11 июнда якунланди. "Хумо" Халқаро фестивалида Австрия, Франция, Россия, Исроил каби давлатлардан 10 дан ошиқ жамоалар иштирок этишди.

6. Ўзбекистон Ёшлари театрида ўтган бу фестивал пойтахт томошабинларига, ижод аҳлига турли хорижий театрларнинг асарларини таништирганлиги билан ҳам катта аҳамиятга эга. Бу фестивал учун Маданият ишлари вазирлигининг буйруғига биноан бирлашма 10 миллион сўм маблағ ажратди.

7. Қирғизистон ва Ўзбекистон давлатларининг маданий ҳамкорлигининг самараси сифатида 2002 йил 9 декабрь куни ўзбек Миллий академик драма театри сахнасида Бобур номидаги Ўш вилояти

муסיқали драма театри Қозоғистон халқ ёзувчиси, Қирғизистон халқ шоири Мухтор Шахановнинг (Мирпўлат Мирзо таржимаси) "Мустабит талвасаси" ("Чингизхон") спектакли пойтахтимиз жамоатчилигига намойиш этди. Шунингдек, таниқли қозоқ драматурги Давлат Исабеков таваллудининг 60 йиллиги муносабати билан Жанубий Қозоғистонда 2002 йил октябрь ойида ўтказилган Халқаро фестивалида бирлашма қошидаги "Турон" театр-студияси драматургнинг "Бир хайкал операцияси" (Носир Фозилов таржимаси) спектакли билан иштирок этиб, "Халқлар ўртасидаги дўстлик" мукофотига сазовор бўлди.

2004 йил

1. Ўзбекистон Ёшлари театри Санкт-Петербургда шу йилнинг апрель ойида бўлиб ўтган "Болтиқ уйи" номли театр санъати фестивалида "Маликаи Турандот" (Гоцци) спектакли билан муваффақиятли иштирок этди. Театрнинг бадиий раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Наби Абдурахмонов февраль-март ойларида Англия, Исроил давлатларида ижодий сафарда бўлди.

2. Йўлдош Охунбобоев номидаги республика ёш томошабинлар театрида Италиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети билан ҳамкорликда талабалар ижросида немис, рус, ўзбек тилларида "Пиноккио" номли спектаклни сахналаштириб, ўзбек томошабинларига намойиш этди.

3. Йўлдош Охунбобоев номидаги республика ёш томошабинлар театри бадиий раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Олимжон Салимов Қозоғистон республикаси Мухтор Авезов номидаги академик театрида "От кишнаган оқшомда" (Тоғай Мурод) спектаклини июнь ойида сахналаштириб, қозоқ томошабинларига ҳавола этди. Спектакль премьерасида "Ўзбектеатр"

ижодий-ишлаб чиқ ариш бирлашмаси Бош директори Омонулла Ризаев қатнашди.

4. Қозоғистон Республикаси Уйғур мусикали драма театри июнь ойининг 25-26 - кунлари Тошкент шаҳрида гастролда бўлиб, ўзбек Миллий академик драма театрида "Анорхон" номли спектаклини намойиш этадилар.

5. Қарши шаҳар "Эски масчит" театр-студияси 2004 йил апрел ойида Қирғизистон республикаси Бишкек шаҳрида ўтказилган халқаро театр санъати фестивалида "Рақсу само" спектакли билан иштирок этиб, 3 та юқори совринга муваффақ бўлди.

6. Жорий йилнинг 20-30 сентябрь кунлари Миср Араб Республикаси пойтахти Қоҳира шаҳрида ҳар йили ўтадиган анъанавий театр санъати фестивалида Республика кўғирчоқ театри "Ассалом Наврўз" (Марям Ашурова) спектакли билан иштирок этди.

7. Шу театрнинг яна бир гуруҳ ижодкорлари сентябрь ойида "Яна Андерсен" (Андерсен асари асосида Динара Юлдашева) спектакли билан Россия Федерациясининг Краснодар шаҳрида ўтказилган "Арт Визит" IV-Халқаро фестивалда иштирок этди.

8. Россия театрлари билан ижодий алоқалар тобора ривожланиб келмоқда. Жорий йилнинг 15-22 сентябрь кунлари Н.П.Охлопков номидаги Иркутск академик драма театри ўзбек Миллий академик драма театри сахнасида Тошкент томошабинларига "Поминальная молитва" (Григорий Горин), "Касатка" (Алексей Толстой), "Сирано де Бержерак" (Эдмон Ростон) спектаклларини намойиш этдилар. Бу гастроль бирлашма билан Москванинг "Миллатлар театри" билан лойиҳа асосида амалга оширилди. Ўз навбатида ўзбек Миллий академик драма театри жорий йилнинг ноябрь ойида Москвага ижодий сафарга боришади.

9. Республикамизда ҳар йили турли фестиваллар, семинарлар ўтказилиб турилади. Жорий йилнинг апрель ойида "ХУМО - 2004"

халқаро театр, рақс, мусиқа санъати фестивали бўлиб ўтди. Унда пойтахт театрлари билан бир қаторда Франция, Германия, Исроил сингари хорижий мамлакатлар театрлари иштирок этишди. Пойтахт томошабинлари чет эл асарлари билан танишдилар.

10. Россия ва Ўзбекистон маданий алоқаларини янада кенгайтириш мақсадида таниқли театр ва кино актёрлари Россия халқ артисти Василий Ланавой, РФда хизмат кўрсатган артист Александр Кузнецовлар октябрь ойида Ўзбекистонга ташриф буюрдилар.

2005 йил

1. Москва шаҳрида 2005 йили 17 январь куни ўтказилган опера хонандалари халқаро танловида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон академик катта театри опера хонандаси, Ўзбекистон халқ артисти Муяссар Раззоқова иштирок ятиб ғолибликни қўлга киритди. Танлов «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» хомийлигида бўлган.

2. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон академик катта театрида бастакор, Ўзбекистон санъат арбоби Анвар Эргашевнинг «Хумо» миллий балетини саҳналаштириш учун 2005 йил февраль – март ойларида Россиядан Грузия халқ артисти, таниқли балетмейстер Георгий Алексидзе бошчилигида ижодий гуруҳ таклиф этилди. «Хумо» балетининг тақдими 2005 йил 15 март куни бўлиб ўтди.

3. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ташкил этилган АҚШнинг Халқаро Тадқиқотлар ва Алоқалар Кенгаши (IREX), АҚШ Ҳукумат Департаментининг Маъориф ва Маданият Кенгаши томонидан эълон қилинган «Жамият Алоқалари» дастури грантини олишга муяссар бўлган бир неча ходимлар жорий йилнинг 25 майдан 15 июнга қадар АҚШда театр санъати йўналиши бўйича малака оширдилар. Булар Алишер Навоий номидаги академик катта театрининг директори Бахтиёр Ёқубов,

Йўлдош Охунбобоев номидаги Республика ёш томошабинлар театрининг бадий раҳбари Олимжон Салимов, Ўзбекистон рус академик драма театрининг директор ўринбосари Ирина Хилькова, Ўзбекистон Ёшлари театрининг актёри Ойбек Қаюмов, Республика кўғирчоқ театрининг адабий эмакдоши Динара Йўлдошева, «Илҳом» театр-студиясининг ижрочи директори Игорь Ротановлар бу грантдан баҳраманд бўлдилар.

4. Москва шаҳрида ўтган А.П.Чехов номидаги Халқаро театр санъати фестивалида Республикамизда бир гуруҳ ижодий ходимлар ва Ўзбекистон Ёшлари театри жамоаси «қабохат тузоғи - XXI» спектакли билан иштирок этишди.

5. Ўзбек Миллий академик драма театри сентябрь ойининг охирида Россия Федерациясининг Иркутск шаҳрида ўтказилган Ванпиллов номидаги Халқаро театр санъати фестивалида иштирок этди. (Миллий театрни Иркутск театри билан ижодий алоқаси 2004 йили бирлашма ташаббуси билан йўлга қўйилган эди).

6. Бирлашманинг Халқаро театр уюшмалари конфедерацияси билан ижодий алоқа самарали бўлмоқда. Сентябрь ойида ушбу конфедерацияни Санкт-Петербург шаҳрида ўтказилаётган йиғилиши ва конфедерация президенти, халқ артисти Кирилл Лавровни 80 йиллик юбилейида бирлашма бош директори О.Ризаев иштирок этди.

7. Сентябрь ойида Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқий театри “Тўда” (Назрулла Қобул) спектакли билан Миср Араб Республикасининг пойтахти Қоҳира шаҳрида ўтказилган анъанавий 17-халқаро театр санъати фестивалида иштирок этди.

8. Ўзбекистон Ёшлари театри РФнинг Иркутск, Омск шаҳарларида ноябрь-декабрь ойларида ижодий сафарда бўлишди.

9. Ноябрь ойида Москвада Халқаро Конфедерация таклифига биноан МДХ давлатлари русийзабон театрлари раҳбари йиғилишида Ўзбекистондан русийзабон театр раҳбари иштирок этди.

2006 йил

1. Ўзбекистон Ёшлар театри Санкт-Петербург шаҳрида ўтказилган «Встречи в России» Халқаро театрлар фестивалида 2006 йилнинг 20-28 февраль кунлари «Тартюф» спектаклини тақдим этиб махсус мукофотга сазовор бўлди.

2. Ўзбек Миллий академик драма театри жамоаси 2006 йилнинг 6-13 сентябрь кунлари «Қирмизи олма» спектакли билан 1- Марказий Осиё давлатлари «Алмати-2006» Халқаро театр фестивалида, «Ўзбектеатр» бирлашмаси Бош директори О.Ризаев раҳбарлигида муваффақиятли иштирок этди.

3. Бухоро давлат кўғирчоқ театри «Ўзбектеатр» бирлашмаси Бош директори ўринбосари Н.Сайфуллаев бошчилигида Миср Араб Республикасида 18-Қоҳира Халқаро экспериментал театрлар фестивалида 2006 йилнинг 10-20 сентябрь кунлари «Юлдузлар нур сочганда» асари билан иштирок этди.

4. А.Навоий номидаги Давлат академик Катта театрининг балет труппаси 2006 йилнинг 10-20 октябрь кунлари Япониянинг Токио шаҳрида «Золушка» балет-спектакли билан ижодий сафарда бўлди.

5. Театрнинг ёш ва истеъдодли хонандаси «Ниҳол» мукофоти совриндори А.Абдуқаюмов 2006 йилнинг ноябрь ойида Санкт-Петербург шаҳрида бўлиб ўтган Елена Образцова номидаги Халқаро фестивалида иштирок этиб 1- даражали мукофотни қўлга киритди.

6. «Ўзбектеатр» бирлашмаси бўлим бошлиғи А.Рахимов бошчилигида бир гуруҳ ўзбек санъаткорлари Қозоғистон Республикасининг Жамбул вилоятида бўлиб вилоят театрининг 70

йиллигига бағишланган юбилей тадбирларида 2006 йилнинг 10-14 ноябрь кунлари иштирок этдилар.

7. Республика Ёш томошабинлар театрининг бадий раҳбари, Ўзбекистон санъат арбоби Олимжон Салимов Тожикистон Республикасининг Душанбе шаҳрида В.Маяковский номидаги Рус драма театрида ўзбек драматурги И.Содиқовнинг «Хўжа Насриддиннинг беш хотини» спектаклини 2006 йилнинг ноябрь – декабрь ойларида муваффақиятли сахналаштириб қайтди.

2007 йил

1. Ҳамид Олимжон номидаги Самарқанд вилоят мусиқали драма театрида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги буюртмаси асосида “Буюк Темур” (О.Салимов, И.Султонов инценеровкаси) спектакли сахналаштирилиб, 28 август куни “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивали иштирокчилари ва Самарқандга ташриф буюрган барча хорижий меҳмонлар ҳамда кенг жамоатчилик иштирокида спектаклнинг тақдироти ўтказилди.

2. Халқаро алоқалар самарали бўлмоқда. Юнус Ражабий номидаги Жиззах вилоят мусиқали драма театри Қозоғистон Республикасининг Чимкент шаҳрида жорий йилнинг 27-30 март кунлари ўтказилган “Театр баҳори - 2007” Халқаро театр фестивалида “Ўлдинг азиз бўлдинг” (Х.Хурсандов) спектакли билан иштирок этиб, бош қаҳрамонлардан бири Авазбобо ролини ижро этган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Абдусоли Норматов “Энг яхши эркак роли” номинациясига, жамоа эса эсталик совғаларга сазовор бўлишди.

3. Алишер Навоий номидаги Наманган вилоят мусиқали драма театри жорий йилнинг 1-7 апрель кунлари Туркменистон Республикасининг пойтахти Ашхобод шаҳрида ўтказилган “Миллий фольклор ва театр санъати” фестивалида “Боғ” (Н.Аббосхон), Сапар

Хўжаниёзов номидаги Қорақолпоғистон ёш томошабинлар театри “Тўққиз тўғилдоқ ва бир шинғилоқ” (К.Раҳмонов) спектакллари билан муваффақиятли иштирок этишиб, фестивалнинг дипломи ва эсдалик совғаларига билан тақдирланди.

4. Маннон Уйғур номидаги Сурхондарё вилоят мусиқали драма театри жорий йилнинг 5-10 апрель кунлари Тожикистон Республикасининг пойтахти Душанбе шаҳрида ўтказилган “Наврўз-2007” Халқаро театр фестивалида “Қайсар чолнинг қилиғи” (Х.Хурсандов) спектакли билан муваффақиятли иштирок этиб, фестивалнинг дипломи ва эсдалик совғаларига сазовор бўлишди.

5. Бу фестивалларда намоёиш этилган спектаклларнинг драматургияси, режиссураси ва ижро маҳоратининг юқори даражадалиги билан ажралиб турганлигини таъкидлаш лозим.

6. Ўзбекистон Ёшлари театри жорий йилнинг апрел ойида Санкт-Петербургда ўтказилган иккита Халқаро театр фестивалда иштирок этди. 12-20 апрель кунлари “Россия учрашувлари” Халқаро фестивалида “Томдаги скрипкачи” (Шолом-Алейхем), 17-24 кунлари “Арлекин” болалар ва ёшлар фестивалида ўзбек халқ эртаги асосида саҳналаштирилган “Маликаи машуқага ҳадя” спектакллари билан муваффақиятли қатнашди.

7. Санкт-Петербургдаги “Россия учрашувлари” Халқаро театр фестивали доирасида “Болтиқ уйи” театри ва Ёшлар театри артистлари ҳамкорлигида саҳналаштирилган Алишер Навоийнинг “Лисон ут тайир” асари асосидаги спектакли билан мастер-класс ўтказилганлиги ижобий натижа эканлигини таъкидлаш лозим.

8. 25 апрель – 6 май кунлари Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрида “Тошкент баҳори - 2007” Халқаро опера ва балет фестивали бўлиб ўтди. Биринчи маротаба ўтказилган бу фестивалда Россия, Украина, қозоғистон, Италия, Япония каби мамлакатларнинг етакчи опера ва балет санъаткорлари

катта театрнинг ўндан ошиқ спектакларида етакчи партияларни ижро этиб, пойтахтимиз томошабинларини мамнун этишди.

9. Германия Федератив Республикаси элчихонаси, Фридрих Науман фонди ҳамкорлигида Ўзбек Миллий академик драма театрида саҳналаштирилган “Донишманд Натан” спектакли билан 11-15 июнь кунлари Термиз ва қарши шаҳарларида ижодий сафарда бўлишиб, немис классик асарини вилоятлар томошабинларига намойиш этишиб, ижодий учрашувлар ўтказилди.

10. Миср Араб Республикаси пойтахти Қоҳира шаҳрида ҳар йили сентябрь (1-11 сентябрь) ойида ўтадиган анъанавий халқаро театр санъати фестивалида бу йил Сапар Хўжаниёзов номидаги Қорақалпоғистон ёш томошабинлар театри жамоаси иштирок этишди.

11. 25 сентябрь - 2 октябрь кунлари Тожикистон Республикасининг пойтахти Душанбе шаҳрида бўлиб ўтадиган Халқаро фестивалда қашқадарё вилоят қўғирчоқ театри, Ўзбек Миллий академик драма театри жамоалари Украина Республикасининг Симферополь шаҳрида 21-27 сентябрь кунлари ўтказиладиган “КРЫМСКИЙ КОВЧЕК” Халқаро театр санъати фестивалларида иштирок этишмоқда.

12. Ўзбекистон Ёшлари театри “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” билан ҳамкорликда иш олиб бориб, Санкт-Петербург театри актёрлари билан биргаликда Алишер Навоийнинг “Қуш тили” асари асосида спектакль саҳналаштирган бўлиб, унинг биринчи премьераси Санкт-Петербург шаҳрида “Россияда учрашувлар” халқаро театр санъати фестивали доирасида 2007 йил 13 апрелда намойиш этилган бўлиб, бу асарнинг Тошкентдаги премьераси иккала театр актёрлари иштирокида 14-15 сентябрь кунлари Ёшлар театрида бўлиб ўтди.

13. Республика ёш томошабинлар театри бадий раҳбари 8-14 сентябрь кунлари Беларусия республикасининг Брест шаҳрида

ўтказилган анъанавий “Белая Вежа” халқаро театр фестивалида иштирок этди.

14. Россиянинг Свердловск Академик драма театрининг 15-28 сентябрь кунлари Тошкент шаҳар Ўзбекистон академик рус драма театрида ўтказилган гастроллари муваффақиятли якунланди.

15. Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театри янги мавсумни бошларидаёқ Германиялик таниқли дирекжёр Пьер Доминик Поннилле таклиф этган бўлиб, у “Севги шароби” (Г.Доницетти) операсига дирекжёрлик қилиб, пойтахт томошабинларини хушнуд этди.

16. Шу театрда 28-29 сентябр кунлари Украинанинг пойтахти Киев шаҳридан ташриф буюрган таниқли симфоник оркестр ва хор жамоалари пойтахт томошабинлари ва меҳмонлар учун ўз санъатларини намоиш этадилар.

**Хорижий театрларнинг ва уларнинг ижодкорлари Ўзбекистон
Республикасига (Тошкент шаҳрига)
қилган ижодий сафарлари**

(“Ўзбектеатр” ИИЧБ ҳисоботидан)

1. 2006 йил 15-26 февраль кунлари Алишер Навоий номидаги Катта академик опера ва балет театрида К.С. Станиславский ва В.И. Данченко номидаги Москва Давлат мусиқий театрининг балет труппаси ижодий сафарда бўлди.

2. 2006 йил 10 - 16 май кунлари Республика кўғирчоқ театрида (Россия) Ярославль Давлат кўғирчоқ театрининг ижодий сафари ўтказилди.

3. 2006 16 - 18 май кунлари Россия халқ артисти, дирижёр Мурад Аннамамедов Алишер Навоий номидаги Катта академик опера ва балет театрининг «Евгений Онегин» спектаклига дирижерлик қилди ҳамда Ўзбек Давлат консерваториясида ўз концертларини намойиш этди.

4. Россия Ярославль губерниясининг опера санъаткорлари Нинель Шацкая, Анатолий Колбешин, Альбина Хребкова ва Владимир Яровцевларнинг концерти 2006 йилнинг 15 май куни Алишер Навоий номидаги Катта академик опера ва балет театрида бўлиб ўтди.

5. 2006 йил 1 – 30 июль кунлари Алишер Навоий номидаги Катта академик опера ва балет театрида (Россия) Иркутск мусиқали театрининг ижодий сафари муваффақиятли ўтказилди.

6. 2006 йил 9 – 10 июль кунлари Алишер Навоий номидаги Катта академик опера ва балет театрида Россия халқ артистлари В.Лонавой, А.Кузнецов, Е.Поликанин ва Л.Серебряниковларнинг икки кунлик концертлари бўлиб ўтди.

7. 2006 йил октябрь – ноябрь ойларида Рус академик драма театрида Россия халқ артисти, режиссёр Владимир Верхградский испан драматурги А.Портеснинг «Дом, где всё кувырком» спектаклини сахналаштирди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

Меъёрий ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 26 март “Ўзбекистон театр санъатини ривожлантириш тўғрисида”ги Ф-1980-сон Фармони;
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 22 май ““Ўзбектеатр” ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори;
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 21 сентябрь “Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театрига “Миллий театр” мақомини бериш тўғрисида”ги Фармони;

Президент нутқлари:

4. Президент Ислон Каримовнинг 2001 йил 30 августда Тошкент шаҳрида академик драма театри биносининг очилиш маросимида сўзлаган нутқи;
5. Президент Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 16 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. 2008 йил 6 декабрь;

Бошқа адабиётлар:

6. И.Каримов. “Юксак маънавият – енгилмас куч”. “Маънавият” нашриёти. Тошкент ш. 2008 йил;
7. «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашри;
8. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”. “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” нашриёти. Тошкент ш. 2008 йил.
9. Тўплам. “Истиқлол ва миллий театр”. “Янги аср авлоди” нашриёти. Тошкент ш. 2002 йил;

10. М.Р. Раҳмонов, М.Т. Тўлаҳўжаева, И.А. Мухторов. “Ўзбек миллий академик драма театри тарихи”. Истиқболни белгилаш, услубият ва ахборот маркази. Тошкент ш. 2003 йил;
11. Т.Турсунов. “Саҳна ва замон”. “Янги аср авлоди” нашриёти. Тошкент ш. 2007 йил;
12. “Ўзбекистон санъати (1991-2001 йиллар)”. “Шарқ” нашриёти. Тошкент ш. 2001 йил;
13. У.Саидов. “Глобаллашув ва маданиятлараро мулоқот”. “Академия” нашриёти. Тошкент ш. 2008 йил;
14. Ж.Лапасов. “Бадий матн ва лисоний таҳлил”. “Ўқитувчи” нашриёти. Тошкент ш. 1995 йил;
15. Н.Ҳотамов, Б.Саримсоқов. “Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғат”. “Ўқитувчи” нашриёти. Тошкент ш. 1979 йил;
16. “Театр” абадий-бадий ахборот-реклама журналининг 2000-2008 йиллардаги бир қатор сонлари;
17. “Санъатимиз кошонаси”. А.Каримов ЎзА мухбири;
18. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1991 йил 31 декабрдаги 392-сон буйруғи билан тасдиқланган “Магистратура тўғрисидаги Низом”;

Веб-сайтлар:

19. www.uzbekteatr.skm.uz
20. www.ziyonet.uz
21. www.uForum.uz